БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 166
29 СЕНТЯБРЬ
ЧОРШАНБА
1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Топширилган иш юзасидан жавобгарликни оширайлик

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси барча ходимларимизни партия, ҳукумат қарорларининг моҳиятини яхши англаб, бу қарорларни ҳалол ва виждонан амалга ошириш руҳида, ўзига топширилган вазифани зўр ғайрат ва сабот блан бажариш, партия ва давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш ва топширилган иш учун жавобгарликни ошириш руҳида тарбияламоқда. Шунинг учун ҳам бизнинг кадрларимиз, барча коммунистлар амалий ишда, партия томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун курашда ўсмоқдалар ва чиниқмоқдалар, ўзларининг катта ва кичик ишларида партиянинг манфаатларига, социалистик давлатнинг қудратини янада мустаҳкамлаш манфаатларига содиқ бўлиб хизмат қилмоқдалар. Улар партия ва ҳукумат директиваларини амалга оширишни ўзларининг юксак партиявий бурчлари, халқ ишига, коммунизм ишига садоқат блан хизмат қилишни бутун ҳаётининг асл ма'носи деб билмоқдалар.

Маҳаллий партия, совет ташкилотлари КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини бажариш учун курашиб, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик методларини тобора яхшиламоқдалар, кадрларимиз олдига катта талаблар қўйиб, топширилган ишларни бажаришда уларга кун сайин ёрдам бермоқдалар.

Коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифалари барча ходимларимиздан, коммунистлардан партия ва ҳукуматнинг директиваларини амалга ошириш учун, давлат планлари ва топшириқларини бажариш учун ўз ишларида ташаббус кўрсатиб янада зўр ғайрат блан кураш олиб боришларини талаб этади. Областимизда пахта йиғим-терими қизғин давом этаётган ҳозирги мас'улиятли кунларда бу талабнинг моҳияти яна ҳам ортади. Чунки, йиғим-терим мавсумий иш, уни кечиктириш ярамайди, ўз вақтида йиғиб-териб олсанг ютасан, кечиксанг ютқазасан. Шунинг учун ҳам бу ишда топширилган ишни сўзсиз бажариш, жавобгарликни ҳис этиш, бошланган ишни охиригача етказабилиш ва қаттиқ интизом ўрнатиш талаб қилинади.

Область партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ва бутун пахтакорларимиз олдида бу йил фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган мўл пахта ҳосилини сра нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва давлатга 500 минг тонна пахта топшириш блан ғоят катта сиёсий-хўжалик вазифаси турипти. Бу вазифани ҳаркандай шароитда бўлса ҳам тўла адо этиш — область партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг шон-шараф иши, буюк ватанпарварлик бурчидир. Ҳозир ҳарбир партия, совет ва қишлоқ хўжалик ходими, ҳарбир коммунист қандай лавозимда ишлашидан қат'ий назар, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бу улуғ ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши, топширилган ишни астойдил бажариши, бутун билим ва қобилиятини сарф қилиши керак.

Партия ташкилотлари интизомсизликка, бўшангликка қарши, айрим раҳбарларнинг ўзларига топширилган ишга мас'улиятсиз қарашларига қарши қат'ий кураш олиб боришлари лозим. Афсуски, бизда интизомсизликка йўл қўйётган, ўз бурчларини яхши бажармаётган, кўп ва'далар бериб, бу ва'даларнинг устидан чиқмаётган ҳали ҳам учраб туради. Бундай ходимлар ўз ишларида кўпинча хатоларга йўл қўядилар, ўз хатоларини тан оладилар-у, аммо кейинчалик ҳеч уялмай хатоларини яна такрорлайберадилар.

Область пахта тайёрлаш трести тайёрлаш бўлимининг бошлиги ўртоқ Пейрос ишда жиддий камчилик ва хатоларга йўл қўйганлиги учун бирнеча марта огоҳлантирилган, партиявий жазо ҳам олган. У, ҳарсафар ўз хатоларини бўйнига олади, камчиликларни тузатаман, деб ва'далар беради. Аммо, у ўз ва'даларининг устидан чиқмайди. Ўртоқ Пейрос раҳбарлик қилаётган бўлим бу йил ҳам пахта тайёрлаш кампаниясига тайёргарликсиз киришди, жойлардаги тайёрлаш пунктларига оператив раҳбарлик қилмаётир. Бўлимдаги ўртоқларнинг фаолиятсизлиги, топширилган иш учун жавобгарликни сезмасликлари натижасида областьдаги кўпчилик пахта тайёрлаш пунктларида пахтани сортларига қараб қабул қилиб олишда катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Тайёрлаш пунктларининг ходимлари колхозларга чиқиб, пахтани сортига ажратиб теришни контроль қилмаётирлар, пахтани сортларга ажратиб теришнинг аҳамиятини ва муҳимлигини колхозчиларга ва совхоз ишчиларига яхши тушунтириб бермаётирлар.

Пахта йиғим-терими барча партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг зўр уюшқоқлик блан оператив ишлашини талаб қиладиган, уларнинг ишчанлик қобилиятини синоздан ўтказадиган жуда мураккаб ва мас'улиятли кампаниядир. Бу кампанияда айниқса қишлоқ хўжалик органларининг ташкилотчилик фаолияти, ишга оператив раҳбарлик қилабилиши ёрқин намоён бўлиши керак. Броқ, бу ҳақиқатни область қишлоқ хўжалик бошқармасининг раҳбарлари (Молчанов, Иброҳимов ўртоқлар) ҳали ҳам тушуниб етмаганлар. Бошқармада ижрони текшириш яхши йўлга қўйилмаган, аппарат асосан ўз вақтининг кўп қисмини ҳархил ма'лумот ва справкалар тайёрлашга, директивалар чиқаришга бериб, чиқарилган буйруқларни бажариш юзасидан ташкилий ишларни амалга оширишга кам э'тибор беради. Бошқарма адресига районлардан келган талаб ва заявкалар кўп вақт э'тиборга олинмасдан, бажарилмасдан қоғозда қолиб кетади. Бошқарманинг раҳбар ходимлари жойларда жонли ташкилий иш олиб бориш ўрнига, кўпинча қоғозбозлик, телефон орқали раҳбарлик қилишни яхши кўрадилар, колхозлардаги ҳақиқий аҳволни яхши билмайдилар. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик органларининг ҳозирги раҳбарлик савияси олдимизда турган улуғвор вазифалар даражасидан анча орқада қолмоқда.

Ижрони текшириш — партиявий-раҳбарликнинг асосий методи, ходимларнинг ўзларига топширилган иш учун жавобгарликни оширишнинг синалган воситасидир. Ижрони текшириш ишларини тўғри уюштириш кишиларни изчил ишлашга ўргатади, уларни ўз бурчларига жиддий қарашга мажбур этади, камчиликларни ўз вақтида аниқлаб йўқотишга ёрдам қилади. Шу блан бирга ижрони текшириш маҳмадоналарни, бюрократларни ва канцеляриячиларни фош қилиш имконини беради.

Партия ташкилотлари аппаратида ижрони текширишни яхши йўлга қўйишлари, ходимларни топширилган ишни муваффақиятли бажариш руҳида тарбиялашлари, ҳарбир коммунистнинг партия қарорларини бажариш учун амалда актив курашчи бўлишини та'минлашлари керак. Ижрони текшириш ишлари блан шахсан раҳбарларнинг ўзлари шуғулланишлари лозим. Танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, қуйидан бўладиган танқидларга э'тибор бериб, омманинг сўзига сезгирлик блан қулоқ солиш, коммунистик қурилиш практикасида вужудга келадиган ҳарбир янгилик, илғорликни ўз вақтида пайқаб олиб, қўллаб-қувватлаш — партия органларининг энг муҳим вазифасидир.

Партия ташкилотларининг кундалик тарбиявий ва ташкилотчилик ишлари ходимларимизни ростгўй, принципиалли бўлиш руҳида, ҳарбир топшириқни ҳалол ва виждонан бажариш руҳида тарбиялашга, топширилган иш юзасидан уларнинг жавобгарлигини оширишга хизмат қилиши лозим. **Шунга эришиш керакки, ҳарбир совет кишиси ҳар кун ичида қилган ишларининг якунларини тўпласин, ҳеч кўрқмасдан ўзини текшириб чиқсин, ўз ишларини анализ қилсин, ўз камчиликлари ва хатоларини мардона танқид қилсин, ўз ишларида қандай қилиб яхши натижаларга эришиш тўғрисида фикр юргизсин ва ўз малакасини ошириш йўлида тинмай ишласин.** Бу эса тараққиётимизнинг энг зарур шартидир.

Моҳирлик блан раҳбарлик қилиш, топширилган ишни муваффақиятли бажариш учун кун сайин зўр ғайрат блан ўқиш, билимларни эгаллаш керак. Раҳбар ходимларимиз ўз иш фаолиятларида бунга амал қилишлари, сиёсий раҳбарлик сан'атини қунт блан эгаллашлари лозим. Кадрларимизнинг ҳаёти ва фаолиятидаги ҳарбир қадамни коммунизм идеялари маш'алдек ёритиб турипти. Марксизм—ленинизмнинг улуғ ва енгилмас та'лимоти уларга куч ва мадад бермоқда. Партия ташкилотлари кадрларни ҳар жиҳатдан ўстиришга, сиёсий савиясини оширишга, партиянинг сиёсати ҳамда қарорларини амалга ошириш учун курашда уларнинг активлигини юксалтиришга ёрдам беришлари керак.

Партия органларининг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик методларини тинмай такомиллаштириш, топширилган иш учун жавобгарликни ошириш, барча ходимларнинг ташаббуси ва активлигини ҳартарафлама кучайтириш — коммунизм қурилишида янгидан-янги муваффақиятларга эришишнинг гаровидир.

Хитой Халқ Республикасининг беш йиллиги шарафига

28 сентябрьда Навоий номидаги Ўзбек Давлат опера ва балет театри биносида Хитой Халқ Республикасининг беш йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди. Кечани Тошкент шаҳар ижроия комитети ва шаҳар партия комитети ўтказди. Кечага саноат корхоналарининг илғорлари, фан, сан'ат ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Совет Армиясининг жангчилари тўпландилар. Хитой Халқ Республикаси медик — олимларининг театрга келган доктор Лу Цзи-цин бошлиқ делегацияси а'золари давомли қарсаклар блан кутиб олинди.

Театр саҳнаси прожекторларнинг ёрқин нурлари блан ёритилган. Саҳна тепасида: «Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлансин!» деган чақириқ сўзлари порлайди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. А. Абдураззоқов қисқача кириш нутқи блан кечани очади. Совет Иттифоқи Давлат гимнининг тантанали садолари янграйди.

«Хитой Халқ Республикасининг беш йиллиги» тўғрисида доклад қилиш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Муҳитдиновга сўз берилади.

Докладчи кўпмиллионли хитой халқининг Коммунистик партия раҳбарлиги остида эришган оламшумул-тарихий ғалабаларини муфассал ёритиб берди ва Хитой Халқ Республикаси ўзининг беш йиллигини янги ҳаёт қурилишида, социалистик жамият қуришдан иборат улуғвор программани амалга оширишда янги ажойиб муваффақиятларга эришилаётган вазиятда чиқишларамоқда, деб та'кидлади. Бутун прогрессив инсоннят хитой халқини ўз ҳаётининг асосий қонуни — Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлиги блан табриклайди. Бу Конституция Хитойдан ташқарида ҳам катта аҳамиятга эга, чунки у марксизм-ленинизм ўлмас идеяларининг янги улуғ ғалабасидан далолат беради. Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаб юборган иш юз миллионларча янги кишилар учун жонажон, қадрдон иш бўлиб қолганлигини кўрсатади.

Узоқ Шарқда тинчлик ва хавфсизликнинг қудратли таянчи бўлган совет-хитой дўстлиги, дейди докладчи, кундан-кунга мустаҳкамланмоқда, тинчлик, демократия ва социализм лагерини янада мустаҳкамлаш учун курашда тобора катта роль ўйнамоқда.

Докладчининг улуғ хитой халқи, Хитой Коммунистик партияси ва унинг синалган йўлбошчиси Мао Цзэ-дун шарафига, Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси халқларининг бузилмас дўстлиги шарафига айтган табрик сўзлари узоқ давом этган қарсаклар блан кутиб олинади.

Кечада хитой медик-олимлари делегациясининг раҳбари Лу Цзи-цин сўзга чиқди. Йиғилганлар уни самимий кутиб олдилар. Лу Цзи-цин хитой халқи Хитой Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида халқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантириш соҳасидаги ўз муваффақиятларини тобора ошираётганлиги тўғрисида гапириб берди ҳамда ўз нутқининг охирида Совет Иттифоқи бошчилигидаги тинчлик, демократия ва социализм лагери шарафига, тинчликсевар халқларнинг тинчлик учун курашда кундан-кунга мустаҳкамланаётган бирлиги шарафига табрик сўзлари айтди.

Кечанинг тантанали қисми тамом бўлганидан кейин оркестр Ўзбекистон ССР Давлат гимнини ижро этди.

Кечада Тошкентга меҳмон бўлиб келган бирқанча четэл делегацияларининг а'золари ҳозир бўлдилар.

Кечанинг охирида Ўзбекистон пойтахтининг энг яхши артистлари иштирокида катта концерт берилди. (ЎзТАГ).

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ПЕКИНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Хитой Халқ Республикасининг беш йиллиги байрам қилиниши муносабати блан Москвадан Пекинга самолётларда Совет Иттифоқининг Ҳукумат делегацияси жўнаб кетди. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси ўртоқ Н. С. Хрушчев (делегация раҳбари), СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Н. А. Булганин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ А. И. Микоян, ВЦСПС Раиси ўртоқ Н. М. Шверник, СССР Маданият министри ўртоқ Г. Ф. Александров, «Правда» газетасининг бош редактори ўртоқ Д. Т. Шепилов, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Е. А. Фурцева, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министри ўртоқ Е. С. Насриддинова, СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси ўртоқ П. Ф. Юдин (у ҳозир Пекинда), КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири ўртоқ В. П. Степановлар бор.

Пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиб, терим сур'атини тобора оширайлик!

☆ ☆ ☆

Гулистон районида пахтани машинада териш пайсалга солинмоқда

Гулистон район 3-нчи МТСининг (директори ўртоқ Книш) Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиси бўлган илғор механизаторлари пахта териш машиналаридан моҳирлик блан фойдаланиб, пахтани кўп ва нобуд қилмай тоза теришда бу йил ҳам самарали натижаларга эришмоқдалар. Бу эса йиғим-терим ишлари сур'атини кўп даражада тезлатиш имкониятини бермоқда.

Свердлов номли колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Фегай Александр бошлиқ трактор бригадасининг механик-ҳайдовчиси Қундуз Тўхтамишев, Пушкин номли колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Ўсаров бошлиқ трактор бригадасининг механик-ҳайдовчиси Николай Айдинов ўртоқлар нормадаги 1,6 тонна ўрнига ҳар куни 2,6—3 тоннага етказиб пахта териб бермоқдалар.

Бу илғор бригадаларнинг механик-ҳайдовчилари ўзлари учун ажратилган 300—400 гектар ердаги пахтани тез кунда йиғиштириб бериш, келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

Шунингдек районда энг йирик колхозлардан бири ҳисобланган «Красная заря» колхозида хизмат қилаётган 1-нчи МТСнинг Ким Александр, Ким Михаил ва Конзуба ўртоқлар бошлиқ трактор бригадаларининг механик-ҳайдовчилари ҳам социалистик мусобақани кун сайин кучайтириб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Механик-ҳайдовчилардан Иброҳим Каримов, Юнус Сантоптонов, Т. Қурбонов ўртоқлар СХМ—48 ва СХМ—48 М машиналарида ишлаб, ҳозиргача кўпгина пахта териб бердилар. Булар пахта теришни агрегатларини эпчиллик блан бошқариб ва унумини тобора оширмоқдалар.

Илғор колхозларда умуман пахта теришнинг ва хусусан машина блан пахта теришнинг намунали уюштирилиши, механик-ҳайдовчиларнинг фидокорона меҳнатлари натижасида Гулистон районида областимизда биринчи ўринларда бормоқда. Сентябрьнинг иккинчи ўнкунлигида пахтани машина блан теришда яхши кўрсатгичларга эришгани учун бу райондаги 3-нчи МТСга республика Кўчма Қизил байроғи берилган.

Лекин, умуман олганда Гулистон районининг ҳамма колхозларида ҳам пахтани машина блан териш ва бу ишга кўрилган тайёргарликни яхши деб бўлмайди. Машина блан пахта теришни аллақачонлар қизитиб юбориш мумкин ва зарур бўлгани ҳолда, айрим колхозларда ҳатто тайёргарлик ишлари ҳам ҳалигача тугалланмаган.

Машина блан пахта териш ва бунга тайёргарлик ишлари районнинг 1-нчи МТС зонасидаги Фрунзе номли, Андреев номли ва «Красний восток» колхозларида айниқса кечиктириб юборилаётир. Фрунзе номли ва Андреев номли колхозларда машина блан териладиган майдонлардаги ғўзаларнинг ҳали анчагина қисми дорилланган эмас. Бу муҳим тадбирнинг кечикишига асосий сабаб шуки, колхоз раҳбарлари (Орипов ва Ботирбеков ўртоқлар) ғўза барглариини тўкишга астойдил ҳаракат қилмаётирлар. Масалан, Фрунзе номли колхознинг раиси ўртоқ Ориповнинг пахтани машина блан теришга совуққонлик блан қарагани натижасида ўтган йили пахтани машина блан териш плани барбод бўлган эди. Натижада пахта йиғим-терими чўзилиб кетиб, ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлди, районда илғор деб ҳисобланган бу колхоз пахта тайёрлаш планини бажаролмай қолган эди. Аммо мана шу камчиликлар колхозда бу йил ҳам такрорланмоқда.

Пахтаси машина блан териладиган участкаларни ажратиш вақтида давлат комиссияси колхозда 500 гектар ернинг пахтасини машина блан териш мумкин деб топди. Броқ Орипов комиссия таклифига қарши чиқиб, бу майдонни 50 процентга камайтирди. Ғўза барглариини сун'ий усулда тўкиш учун зарур бўлган дориворларни келтиришни та'мин этмади. Пахтаси машина блан териладиган участкалар теримга пухта тайёрланмаётир, ҳатто бу ерлардаги пахтанинг қўл блан терилишига йўл қўйилмоқда. Ҳозиргача колхозда машина блан бир гектар ернинг ҳам пахтаси терилмаган. Колхоз раисининг «Пахтамиз кеч етилаяпти» деб берган ёлғон ма'лумотига биноан бу ерда ғўза барглариини тўкиш учун дорилаш 5 сентябрьдан эмас, балки 11 сентябрьда бошланди. 50 гектар ерга дори сепилгандан кейин яна «пахта етилмади» баҳонаси блан иш тўхтатилди. Ниҳоят, тегишли ташкилотларнинг қаттиқ талаби блан 18 сентябрьдагина яна дори сепилабошланди. Колхозда ҳали дориланмаган 100 гектардан ортиқ ғўза бор. Ориповнинг пахтани машина блан теришни менсимаслиги шу даражага борнб етдики, у ҳатто самолётга сигналчи бермай қўйди. ОДН аппаратидан ҳам мутлақо фойдаланилмаётир. ОДН фақат 3 кунгина ишлатилиб, 2,9 гектар ерга дори сепилган.

Раис ўзининг механизацияга нисбатан тутаётган ҳатти-ҳаракатларига тўсқинлик қилаётган ходимларни қувғин остига олмоқда. Ҳозир у, давлат агрономи ўртоқ Шомаҳмудовни ҳатто колхозга йўлатмай қўйди.

Натижада колхозда пахта териш ва уни давлатга топшириш графиги кун сайин бажарилмасдан қолмоқда. Ғўза барглари ёппасига тўкилган 60—70 гектар ер бўлгани ҳолда, пахта териш машиналари бекор турипти.

Гулистон районида Ориповга ўхшаш раислар якка эмас. Пахтани машина блан теришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Андреев номли колхозда (раиси Ботирбеков, партия ташкилотининг секретари Алиқулов ўртоқлар) ҳам жуда қониқарсиз олиб борилмоқда. Бу ерда 300 гектар ернинг пахтасини машина блан териш планлаштирилган бўлса ҳам ҳозиргача атиги 19 гектар ернинг пахтаси териб олинган. Колхозга МТСнинг ўртоқ Ким Бен Нок бошлиқ илғор трактор бригадаси биркитилган. Броқ пахта даласи машинада теришга яхши тайёрланмаган, участкаларнинг четлари тозаланмаган, ўқ ариқлар ҳалигача кўмилмаган. Бункердаги пахтани бўшатиш учун жой ҳозирланмаган. Ёввойи ўтлар шпиндельларга ўралиб қолиб иш унумини пасайтирмоқда.

Бу колхозда ҳам раис Ботирбековнинг буйруғи блан 1-нчи бригадада 56 гектар ва иккинчи бригадада 36 гектар ердаги ғўзаларга дори сепдирилмаган, 3-нчи бригадада машинада терилиши лозим бўлган 20 гектар ернинг пахтаси икки марта қўл блан териб олинган. Бригада бошлиғи ўртоқ Ил'ёсов бунинг жавобгарлигини ўз бўйнидан соқит қилишга уруниб айбни раисга тўнкамоқда.

Колхознинг 4-нчи бригадасида ҳам 40 гектарга дори сепилиб барги тўкилган ғўзаларнинг пахтаси қўл блан терилган.

Колхозда дорилланмаган ҳали анчагина ғўзалар бор. Шундай бўлишига қарамай дориворлар йўқлигидан ёки самолёт ва ОДН ларда ишлаш учун доимий кишилар ажратилмаганидан дорилаш иши тўхтаб қолган. Бу колхозда самолёт учун сигналчилик вазифасини давлат агрономи ўртоқ Акбаровнинг ўзи бажаришга мажбур бўлмоқда.

Пахтани машина блан теришга тайёргарлик кўришда «Красний Восток» (раиси ўртоқ Носиров), Пушкин номли (раиси ўртоқ Мингтоев) ва бошқа колхозларда ҳам анчагина камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Шу йил 15 сентябрьгача МТС лардаги барча пахта териш машиналарининг ҳаммаси ишга туширилиши зарур эди. Аммо 1-нчи МТСда (директори ўртоқ Погосян) 50 пахта териш машинасидан 35 таси, 2-нчи МТСда (директори ўртоқ Муҳаммаджонов) 30 машинадан 15 таси ва 3-нчи МТСда (директори ўртоқ Книш) 45 машинадан 25 тасигина ишга туширилган холос. Бу МТСларда УПХ—1,5 қўсак чувиш машиналарининг кўпи ҳали колхозларга юборилган эмас.

Илғор колхозлар пахтани машина блан теришнинг аҳамиятини чуқур англаганлар. Улар ўз бурчларини шараф блан бажармоқдалар. Аммо айрим колхозларнинг қолоқ раҳбарлари ўзларининг ярамас позицияларида қаттиқ туриб олиб, пахтани машина блан теришга тўсқинлик қилмоқдалар. Гулистон район партия комитетининг секретари Тўрабеков ва район ижроия комитетининг раиси Маҳмудхонов ўртоқлар эса илғорлар эришаётган ютуқлар блан қаноатланиб, рўй бераётган камчиликларни тугатишга аҳамият бермаётирлар.

Гулистон районининг раҳбарлари 1954 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашнинг бориши тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети чиқарган қарор асосида ўз ишларини пухта кўриб чиқишлари ва юз бераётган камчиликларни дарҳол бартараф қилишлари керак. Пахтани машина блан теришни планини бажариш қонун! Уни пайсалга солиш жиноятдир. Вазифа — мавжуд механизация ва ишчи кучидан тўғри ва унумли фойдаланиб, пахта йиғим-теримини қисқа муддатда тамомлаш ва олинган социалистик мажбуриятни шараф блан бажаришдан иборатдир.

Қ. АҲМЕДОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажарамиз

Бизнинг бригада а'золари бу йил ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олиб ёз бўйи фидокорона меҳнат қилдилар. Далаларимизда мажбуриятимизни қоплайоладиган мўл пахта ҳосили етишди.

Эндиги вазифа—етиштирилган бу мўл ҳосилни сра ҳам нобуд қилмай жадал териб олишдан ва давлатга топширишдан иборат. Бизнинг бригада а'золаримиз Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, пахта териш сур'атини тобора тезлаштирмоқдалар. Шунинг натижасида биз пахта терими бошлангандан бери кунлик ва 5 кунлик топширилларни ошириб блан бажармоқдамиз. Кўпгина теримчиларимиз кунлик нормани 2—3 хисса қилиб адо этмоқдалар. Пахтамизнинг бир қисми машинада терилаётир. Бу—бригадамизда пахта терининг тезлашувига катта ёрдам бермоқда.

Бригадамизнинг ўртоқ Ўлмасхон Эрматова бошлиқ звеносида айниқса пахта терими яхши уюштирилди. Шу туфайли бу звено йиллик пахта тайёрлаш планини 25 сентябрьгача 87 процент қилиб бажарди. Колхозимизда 12—15 минг-килограммчи теримчилар ҳаракати кенгайиб бормоқда. Жумладан Ўлмасхон Эрматова бир кунда 250 килограммга етказиб пахта термоқда. Ҳозиргача у 4 тоннадан ошиқ пахта терди. Унинг дугоналари Муҳаррам Маллаева, Бувинисо Қосимова каби кўпгина чевар теримчилар 180 — 200 килограммдан пахта термоқдалар.

Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Аҳмедов бизнинг бригада а'золарига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «1954 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашнинг бориши тўғрисида» деб чиқарган қарорини ўқиб берди. Бу қарорда кўрсатилган айрим камчиликлари бизнинг колхозда, шу жумладан бизнинг бригадада ҳам бор. Бригада а'золари партия ва ҳукумат қарорида кўрсатилган аниқ йўлланмага амал қилиб, камчиликларни йўқотиш ва ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олдилар. Биз ўз ва'дамизни шараф блан бажариш учун янада ғайрат кўрсатиб меҳнат қиламиз.

Холисо МАҲМУДОВА,

Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 28 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Сирдар'ё	2,11	26,83
Мирзачўл	2,00	26,73
Гулистон	1,59	26,24
Верхне-волинск	1,72	23,65
Калинин	1,82	21,35
Оржоникидзе	1,69	19,54
Юқоричирчиқ	1,44	19,41
Чиноз	1,25	18,84
Ховос	1,12	17,84
Бекобод	1,33	17,29
Оққўрғон	1,24	16,59
Пискент	1,10	16,05
Бўка	1,13	15,86
Ўртачирчиқ	1,09	14,11
Ўртасарой	1,18	13,47
Октябрь	1,16	13,26
Янгийўл	1,14	13,18
Оҳангарон	1,03	12,00
Қуйичирчиқ	0,92	9,03
Паркент	1,08	8,33

Совет Иттифоқига меҳмон бўлиб келган Ҳиндистон маданият ва сан'ат арбоблари делегацияси Тошкентга келди. **Суратда:** делегация раҳбари, Ҳиндистон Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари **М. Чандрасекхар** хоним микрофон олдида табрик нутқи сўзламоқда. **М. Пенсон** фотоси.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Мусоеванинг айби нима?

ЯНГИБОЗОР. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Шу йил 9 сентябрь куни Юқоричирчиқ район Оқовул қишлоқ советининг навбатдан ташқари сессияси чақирилди. Сессияда қатнашиш учун район ижроия комитетининг президиум а'зоси Тангриқул Секеров «III Интернационал» колхозига келди. Кеч соат 7 га чақирилган сессияга 62 депутатдан (собиқ Қарши қишлоқ советидаги 35, Сталин қишлоқ советидаги 27 депутатдан) соат 9 ларда аранг 20 га яқин киши тўпланди.

Сессия очиладиган бўлди. Шу вақт ўртоқ Секеров ўйланиб қолди. «Сессияда биргина ташкилий масалани кўриш қандоқ бўларкин?» деган фикр хаёлидан ўтди. Бирдан у коридордан ўтиб кетаётган «III Интернационал» колхозининг раиси ўртоқ Норбоевни тутиб, деди:

— Ўртоқ Норбоев бу ёққа қаранг, сиз ҳозир сессияда колхозда пахта йиғим-теримининг борыши ҳақида доклад қиласиз.

— Тайёрланмасдан-а, қанақа бўлар экан? — деди иккиланиб Норбоев.

— Эй, қизиқ экансиз-ку, бўлаберадида. Келишдикми? Биринчи масала сизники...

Шундай қилиб, депутатларнинг аксарияти йиғилмаса ҳам, Оқовул қишлоқ советининг сессияси очилди. Колхоз раисининг унча катта бўлмаган кабинетида қўйилган 2 скамейка, диван ва стулларда сийраккина ўлтирган одамлар сони 20 дан ошмас, ўтирганлар орасида қишлоқ советига депутат бўлмаган 2—3 киши ҳам бор эди. Сессияда ўртоқ Норбоев 5 минутча «доклад» қилди. Доклад тамом бўлиши блан Секеров ўрнидан турди ва қизғин нутқ сўзлашга киришди. Колхознинг шу кунги аҳволига доир бирорта ҳам конкрет фактни билмаган «вакил»нинг нутқи ярим соатга чўзилди.

Сессия раиси ўртоқ Усмонов:

— Ҳамма гапни ўртоқ Секеров айтиб берди, энди музокара тўхтатилсин деган такиф бор, — деди. Шу блан кун тартибидаги биринчи масала тамом бўлиб, ташкилий масалага ўтилди. Бу ҳақда сўз яна ўртоқ Секеровга берилди.

Секеровнинг олдинги нутқи блан кейинги нутқи ўртасида осмон блан ерча фарқ бор эди. Олдин Секеров тахминан бўлса ҳам жуда равон, жуда дадил, йўталмасдан, ўзига жуда ишонган ҳолда гапирган эди. Кейинги нутқида мана шу хусусиятлар кўринмади. У анча ишончсиз гапирди. Нимагадир томоғини қириб тез-тез йўталар, сўз тополмай тўхтаб-тўхтаб гапирарди. У, ўз муддаосини тушунтираман деб кўп гапирди. Депутатлар унинг бу мужмал сўзларидан қишлоқ советининг раиси ўртоқ Чўлпон Мусоевани ўз вазифасидан озод қилиш керак эканлигини тушундилар-у, бунинг асл сабабини тушунмадилар. Мусоеванинг иш фаолияти, қишлоқ советининг таҳлил қилиб берилмадч. Бу ҳақда бирор гап бўлмагани учун депутатлар ҳақли равишда ҳайратда қолдилар.

— Нима учун бўшатиш керак, сабаби нима? — деб савол берди депутат Норбоев.

Дарҳақиқат қизиқ, Чўлпон Мусоеванинг айби нимада? Ўтган йили бу қишлоқ советида пахта тайёрлаш плани 106 процент, каноп тайёрлаш плани 136 процент бажарилган, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш плани ҳам тўла-тўкис бажарилган эди. Депутатлар Чўлпон Мусоеванинг колхозларга яхши ёрдам бергани инкор қилмадилар. Район ижроия комитетининг вакили ўртоқ Секеров ҳам бу ҳақиқатни рад этадиган бирор оғиз сўз айтаолмади. У ўзига берилган ҳақли саволга аниқ бир жавоб айтаолмай: «Район ижроия комитети шуни лозим топди... Бу киши ишсиз қолмайди...» деди. Лекин «Нима учун?» деган савол муаллоқ бўлиб қолаберди.

Олдин пионер вожатийси, сўнгра етти йиллик мактаб директори, сельпо раиси, артель раиси бўлиб ишлаган коммунист Мусоева кейинги 4 йил давомида қишлоқ советига раис бўлиб ишлаб келар эди. Бу орада район ижроия комитети унинг иш фаолиятини ўз президиум мажлисида бирор марта муҳокама қилмади. Шунга қарамай 9 сентябрьда Оқовул қишлоқ советининг навбатдаги сессияси чақирилиб, Чўлпон Мусоева қишлоқ советининг раислиги вазифасидан озод қилинди. Тўсатдан қилинган бу иш ҳаммани ҳайратда қолдирди.

Қишлоқ советларининг йириклаштирилиши муносабати блан Юқоричирчиқ районидаги 11 қишлоқ совети 7 қишлоқ советига бирлаштирилди. Собиқ Қарши қишлоқ совети блан Сталин қишлоқ совети бирлаштирилиб, Оқовул қишлоқ совети деган ном берилди. Район партия комитети шу йил 12 июньда бўлган бюросида қишлоқ совети раисларининг номзодларини кўриб чиқди. Коммунист ўртоқ Мусоеванинг номзоди Оқовул қишлоқ советининг сессиясига тавсия қилинди. Сессия яқдиллик блан Чўлпон Мусоевани йириклашган Оқовул қишлоқ советига раис қилиб сайлади.

Броқ орадан сал ўтмай область ижроия комитети кадрлар бўлимининг бошлиғи ўртоқ Убайдулла Иноятхўжаев бу ишга аралашиб, Мусоеванинг қишлоқ советининг раиси бўлишига қарши чиқабошлади. Ўртоқ Иноятхўжаев Мусоеванинг бўшатилишига 1952 йилда бу қишлоқ советида сессиялар, президиум мажлислари мунтазам ўтказилмаганини, доимий комиссиялар ишламаганини сабаб қилиб кўрсатади. Шундан кейин қандай ҳолда уқишни давом этдирмоқдалар? Ўзгариш юз бериб, нима учун Мусоева ишдан четлатилди, деб сўрасак, ўртоқ Иноятхўжаев: «Биз у блан суҳбатлашганда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планларини блокнотига қарамай ёддан айтиб бераолмади» деб да'во қилишгача бориб етди.

Область ижроия комитетининг кадрлар бўлими ва Юқоричирчиқ район ижроия комитети хотин-қиз кадрларни тарбиялашда шундай йўл тутмоқдалар. Район партия комитети бундай нотўғри ҳаракатларга барҳа бериш ва хотин-қиз кадрларни тарбиялаш ўрнига ўзининг илгариги чиқарган қарорларини бекор қилишга йўл қўймоқда. Район партия комитети шу йил 12 июньда Мусоевани қишлоқ совети раислигига тавсия этиб чиқарган ўз қарорини орадан 14 кун ўтгач 26 июньда Иноятхўжаевнинг ташаббуси блан юқоридан берилган кўрғазма асосида бекор қилди. Район партия комитетининг секретари ўртоқ Ким 12 июньда Мусоева қишлоқ совети раислигини эплаб кетади деб қўл кўтарган бўлса, энди Мусоева раисликни эплайолмайди деябошлади. Ажабо, қани энди райком бюро а'золаридаги партиявий принцип? Нахотки райкомнинг бюро а'золари масалани шундай ҳал қилсалар, нахотки улар ўйламай қарор қабул қилиб, юқоридан телефон қилиниши блан ўз қарорларини чиппакка чиқараберсалар!

Б. ХАЛИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Паркент МТСи кузги дон экишни кечиктираётир"

Газетанинг шу йил 14 сентябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола босилиб, унда Паркент район МТС раҳбарлари ўз вазифаларига мас'улиятсизлик блан қараб, ғалла ўрим-йиғимини ҳамда кузги дон экишни кечиктираётгани танқид қилинган эди.

Ўзбекистон КП Паркент район комитетининг секретари ўртоқ Камоловнинг редакцияга хабар беришича, газета материали район ижроия комитетининг ва МТС партия ташкилотининг мажлисларида муҳокама қилинган, мақолада кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган ҳамда мавжуд камчиликлари тугатиш ва дон экишни тезлаштириш учун зарур тадбирлар белгиланган.

Бекобод — металлургларнинг шаҳри. Суратда: янги қурилган уй-жойлар. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

ИШЛАБЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА ОЛИЙ МА'ЛУМОТ ОЛМОҚДАЛАР

Яқинда шаҳарда очилган Бутуниттифоқ политехника институтининг сиртқи бўлимига 150 дан ортиқ ишчи, инженер-техник ходимлар қабул қилинди.

Институтга қабул қилинганлар орасида Сталин номли электрохимия комбинатининг мастери Мирза Ганиев, «Средазхиммаш» заводининг диспетчери Кудрин, техник Мансур Нисамбетов ўртоқлар бор.

Бу йил шаҳар мактабларининг 10-нчи синфини тамомлаб, ҳозирги вақтда ишлабчиқаришда корхоналарида ишлаётган йигит-қизлардан Валя Губанова, Илья Коник каби кўпгина ёшлар шу институтда ишлабчиқаришдан ажралмаган ҳолда уқишни давом этдирмоқдалар.

ШАХСИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ КЕНГАЙМОҚДА

Шаҳар саноат корхоналарида ишлаётган кўпгина меҳнаткашлар ўзларига уй-жой қуриб олмоқдалар. Йил охирига ча 300 га яқин киши янги уйларга кўчиб кирадилар. «Средазхиммаш» заводининг токари Терентьев, паровоз машинисти Вергунов ўртоқлар заводдан ссуда ва қурилиш материаллари олиб ўзлари учун янги уй-жой қуриб олдилар. Шахсий уй-жой қуруғи меҳнаткашларга завод томонидан юз минг сўмга яқин ссуда берилди.

ХИМИКЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШИ

Саноат корхоналарида ишлаётган кўпгина ишчи, хизматчилар ўзларининг навбатдаги меҳнат отпускаларига чиқиб, қардош Қирғизистон ССР даги Иссиқкўл қирғоқларида яхши дам олиб қайтдилар. Булар орасида Сталин номли электрохимия комбинати ишчи, хизматчиларидан Филипов, Корко, Калинин каби кўпгина ишчилар ва бошқа ўртоқлар бор.

Яқинда Чирчиқ химикларидан ўнларча киши ўзларининг «Победа» машиналарида оилалари блан дам олиш учун Иссиқ кўлга жўнаб кетдилар.

О. ЛЕВАК.

Шахтёрлар клубида

Оҳангарондаги «Шахтёрлар» клубида системали равишда халқаро обзор ҳамда саноат, медицинага оид темаларда лекциялар ўқилиб борилмоқда.

«Шахтёрлар» клуби ҳузуридаги бадиий ҳаваскорлар тўгараги шахтёрлар учун 40 дан ортиқ концерт қўйиб берди. Ҳаваскорлардан новалоотбойшчик Т. Мамбетов, А. Жалилов, моторист А. Шпак ўртоқлар ижро этган ашула ва рақслар тамошабинларга манзур бўлмоқда.

Ҳаваскорлар тўгарагининг бирлашган хор коллективи совет композиторларидан Мокроусов, Дунаевский, Соловьёв-Седой, М. Ашрафийларнинг ашулалари ва СССР халқларининг рақсларини моҳирлик блан ижро этмоқдалар. Драма тўгарагининг қатнашчилари улуғ рус ёзувчиси А. П. Чеховнинг «Юбилей» ва «Таклиф» ҳикоялари асосида ёзилган инсценировкаларини ва Алексеевнинг «Календарь» пьесасини кўрсатиб шахтёрлар ҳурматига сазовор бўлдилар. Шу кўнларда бадиий ҳаваскорлар тўгараги Анфиногеновнинг «Машенька» пьесасини саҳнага тайёрламоқда.

Ф. ПЕТРОВ.

Колхозларга маданий хизмат

Оржоникидзе районидаги Киров сельпоси (правление раиси ўртоқ Х. Раҳматуллаева) 1954 йил I ва II квартал товар обороти планини муддатдан олдин ошириб бажаргани учун район ва область матлубот союзининг кўчма Қизил байроғини олган эди. Сельпо хизмат қилаётган Маленков номли, Киров номли ва Молотов номли колхозларда пахта терими қизғин кетаётган ҳозирги кунларда, сельпо коллективи колхозчиларга маданий хизматни янада яхшилаш мақсадида 3 та кўчма савдо дўкони ташкил қилди. Бу дўконлар теримчиларни зарур бўлган саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари блан та'минламоқда.

Бундан ташқари теримчиларга сотиш учун сельпонинг 15 та магазини ва сельмагига 200 минг сўмлик саноат моллари келтирилди. Сельпо бевосита звено ва бригадаларга бориб теримчиларга хизмат кўрсатаётгани туфайли колхозчиларнинг иш унумли ортиб, меҳнат интизоми мустаҳкамланмоқда.

Ю. МАҲКАМОВ.

Янги кинолекторий

Республикамизнинг 30 йиллиги шарафига лекция пропагандасини кучайтириш мақсадида Олмалиқ шаҳрида кинолектория ташкил этилди.

Яқинда кино-лекториядa «Ўзбекистон—индустриалашган ва колхозлашган илғор республика» деган темада ўтказилган биринчи лекция жуда қизиқарли бўлди. Лекциядан сўнг «Совет Ўзбекистони» кинофильми намойиш қилинди.

Бу ерда сентябрь ойида, «Ўзбекистон—Ватанимизнинг асосий пахта базаси», «Ўзбекистонда Социалистик маданиятнинг ривожланиши», «Совет Ўзбекистони СССР халқларининг мустаҳкам қардошлик оиласида» деган темаларда лекциялар ўқилади.

Лекциялардан сўнг шу темага доир кинофильмлар кўрсатилади.

ФИЗИКА ДАРСИДА

Дарс бошланишига ҳали анча вақт бор. Мактаб саҳнидаги гулзор атрофига қўйилган скамейкаларда турли ёшдаги ўғил ва қиз болалар ўзаро хушчаҳчақ суҳбатлашмоқдалар. Улардан ба'зиларга ўтилган темалар устида қизғин бахслашадилар.

Ўғил ва қиз болаларнинг юриш-туриши ва муомиласида одоб, бир-бирларига самимий ҳурмат яққол сезилиб турибди. Бу йил улар мактабда биринчи марта биргаликда ўқимоқдалар, ўзаро ўртоқлик ва дўстлик муносабатларини вужудга келтирмоқдалар. Биринчи синфларда ўқиётган 7 яшар ўғил ва қиз болаларни айтмайсизми. Уларнинг кўзларида нур, лўппигина юзларида севинч барқ уриб турибди.

Мактаб саҳни, коридорлар партия, ҳукумат раҳбарларининг портретлари, турли шиор, плакатлар блан безатилган. Деворларда деворий газета, фото газеталарнинг нафис ишланган янги сонлари, а'ло ўқишга ва интизомга ундовчи чақириқлар осиб қўйилган.

Биринчи дарсга қўнғироқ чалинди. Сал ўтмасданоқ кенг ёруғ озода синфлар ўқувчилар блан тўлди. Ҳамма ёқда тартиб ва асойишталик.

Бугун 10-нчи синфда жадвал бўйича биринчи соат физика дарси эди. Ўқитучи Ўртоқ Ф. Расулев синфга кириб келганида ҳамма ўқувчилар уни ҳурмат блан ўринларидан туриб қарши олдилар. Синфдаги бир неча шкафда физикага доир тажриба асбоблари тартиб блан териб қўйилган. Бурчакдаги стол устида электроскоп, уимшерст электрофор машинаси, электрометр ва электр султони ва бошқа асбоблар турибди.

Ўқитучи синфдагқ ўқувчиларга диққат блан бир назар ташлаб чиқида, ўтилган тема юзасидан ўртага биринеча саволлар ташлади. «Электрон назарияси» ҳақидаги саволга биринчи бўлиб ўқучи Фарида Абдураҳмонова жавоб берабошлади. У электр ҳақидаги та'лимотнинг ривожланиши, модданинг тузилиши тўғрисидаги қадимги замон олимларининг назарияси ҳақида аниқ ва равшан гапирди.

— Совет физиги Д. Иваненко биринчи бўлиб атом ядросининг тузилиши назариясини яратди. Бу назарияга мувофиқ ядро таркибида протонлардан ташқари яна бошқа зарралар ҳам бўлиб, бу зарраларнинг массаси протон массасига тенгдир ва бу зарралар электр зарядларига эга эмасдир. Бундай заррачаларни нейтронлар дейилади. Кейинги ўн йил ичида фан атомнинг ички энергиясидан фойдаланиш имкониятини топди.

Сўнгра у, улуғ Ватанимизнинг электрлаштириш тўғрисидаги буюк план электр соҳасидаги илмий текширишларга ва улардан техника фойдаланишга асосланиб тузилганлигини айтди.

— Алоқа техникаси, радиотехника, телевидение, ишлабчиқаришни атомлаштириш ва техника соҳасида эришган бошқа муваффақиятларимиз электр туфайли қўлга киритилди.

Фариданинг жавобидан тўла қаноат ҳосил қилган ўқитучи «Ҳозир Ўзбекистонда қандай электр станциялар бор?» деб қўшимча савол берди. У, ҳозиржавоблик блан Ўзбекистонда Фарҳод ГЭС, Бўзсув ГЭС, Чирчиқ ГЭС, Оқтепа ГЭС, Оқҳовоқ ГЭС, Салор ГЭС ва бошқа электростанциялар ишлаб турганлигини айтди.

Фариданинг жавобидан кейин Ҳури Тешабоева «Потенциал бирлик», Арофат Содиқова «Кулон қонуни» ҳақидаги саволларга қониқарли жавоб қайтардилар.

Ўқитучи уларнинг ўтилган темаларни ўзлаштиришларига қараб баҳо қўйганидан кейин навбатдаги «Электростатик индукция» темаси юзасидан янги дарс бошлади.

Ўқитучи даставвал ўқучиларга бу тема бўйича тушунча бергандан сўнг, уларни стол устидаги электрофор машинасининг тузилиши блан таништирди. Сўнгра индукция ҳодисасига асосланган бу асбоб блан амалий машғулот ўтказди. Ҳамманинг диққати электрофорда. Ўқитучи машинанинг ўқини айлантириб, ушлаб икки ёнига ўрнатилган металл таёқчалар учидаги шарларни бир-бирига яқинлаштирган эди, кўк рангда элекр заряди ҳосил бўлди.

Амалда кўрсатилган бу тажриба ўқучиларни жуда қизиқтирди. Уларнинг ўзлари ҳам электрофор машинасида элекр заряди ҳосил қилиб кўрдилар.

Дарс охирида ўқучилардан бир нечтаси бугунги темага оид саволлар бердилар. Ўқитучи саволларга жавоб бериб бўлгач, дарсни якунлади ва ўқиб келиш учун «Физика курси» дарслигидан уйга вазифа берди. Шундай қилиб бугунги физика дарси жуда қизиқарли ўтди ва ўқучиларда электростатик индукция ҳамда электрофор машинаси ҳақида равшан тушунча қолди.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Улуғбек номли 16-нчи ўрта мактаб (директори ўртоқ У. Мўминов) коллективи ўқув процессида политехника таълимини муваффақиятли жорий қилиш ва ўқучиларнинг назарий билимларини практик машғулотлар блан мустаҳкамлаш мақсадида мактаб физика, биология, география ва бошқа фан кабинетларини ҳар хил тажриба асбоблари ҳамда кўргазмали ўқув қуроллари блан бойитишга алоҳида э'тибор бердилар. Ўқув йили бошланишидан олдин ўқув-тажриба кабинетлари яхшилаб жиҳозланди ва 2 минг сўмлик янги асбоблар сотиб олинди. Ҳозир мактабнинг биргина физика кабинетида 60 минг сўмлик ҳар хил тажриба асбоблари бор. Физика ўқитучиси ўртоқ Расулев дарснинг сифатини яхшилаш ва ўқучиларда практик малака ҳосил қилиш учун бу имкониятлардан муваффақиятли фойдаланмоқда ва ўқучиларнинг физика фанидан ўтилган темаларни яхши ўзлаштиришларига эришмоқда.

М. ЗИЕМУҲАМЕДОВА.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

Оржоникидзе район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими колхозчилар учун ҳархил темаларда лекциялар уюштиришни анча яхшилади. Райондаги Маленков номли, Сталин номли, «Сталинград», «Қизил Ўзбекистон», Пушкин номли, Киров номли колхозларда кинолекторийлар ташкил қилинди. Кинолекторийлар колхозчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Н. Сандов.

* * *

Оққўрғон район Гиштамғали қишлоқ советидаги амбулатория ходимлари қишлоқ аҳолисига намунали медицина хизмати кўрсатмоқда. Улар сўнгги вақтларда безгак, дизентерия, қизамиқ ва трахома касалликлари блан оғриган 30 дан ортиқ колхозчини даволадилар. Амбулатория хизматчилари дала шийпонларига бориб пахта йиғим-теримида фидокорона меҳнат қилаётган колхозчи ҳамда механизаторларнинг сиҳат-саломатликларини текшириб турмоқдалар.

А. Чиптошев.

* * *

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиларининг маданият саройида СССР Медицина фанлар академияси блан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг пойтахтимизда ўтказилган илмий сессияга бағишлаб «Совет медицинасининг эришган муваффақиятлари» темасида виставка ташкил қилинди. Виставкага Совет хирургиясининг юрак ва ўпкани операция қилиш соҳасида эришган ютуқлари, академик Павловнинг физиологик та'лимоти, Б. Лепешинскаянинг ҳужайра назарияси ва умуман Совет хирургиясининг ютуқларини акс эттиручи илмий китоблар, журнал ва мақолалар қўйилган.

Х. Қаюмов.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

ТЕАТР

„Фарҳод ва Ширин"

(Спектакльнинг Муқимий номли театрда қўйилаётган янги варианти)

Ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» номли ўлмас достонида инсоннинг ўз ватанига чексиз муҳаббатини, унинг халққа бўлган садоқати ва фидокорона меҳнатини, халқлар ўртасидаги дўстликни эўр муҳаббат блан куйлаган эди. Навоий кишиларнинг бахтли ҳаёт кечиришларига халақит беручи, ижодий меҳнат ва халқлар ўртасидаги дўстликка ғов бўлучи шахсиятпарастлик, манманлик, маккорлик, фирибгарлик, босқинчилик каби салбий хусусиятларни фош этди ва қоралади. Буюк шоир ва мутафаккир Навоийнинг гуманистик ғоялари бутун дунёда тинчлик учун, барча инсонларнинг бахтли бўлишлари учун интернационализм байроғини юқори кўтариб курашаётган совет халқига яқин ва азиздир.

Бундан беш асрча илгари яратилган «Фарҳод ва Ширин» поэмасининг театр саҳнасида қайта қўйилиши тамошабинларимизни чексиз қувонтирди, албатта.

Ёзучилар, шоирлар, музикачилар ва халқ бахшилари Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони асосида турли-туман асарлар ёзиб, ундаги олийжаноб ғояларни куйлаб келдилар. Октябрь революциясидан сўнг Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат драм театри коллективи Шораҳим Шоумаров томонидан йиғилган ва тартибга келтирилган халқ қўшиқлари асосида биринчи марта «Фарҳод ва Ширин» музикали драмасини саҳнага қўйди. Марҳум композитор профессор В. А. Успенский «Фарҳод ва Ширин»га оид мелодияларни ёзиб олиш, гармонизациялаш ва симфоник оркестр учун қайта ишлаш устида катта ишлар қилди. Профессор В. А. Успенский ва композитор Г. А. Мушельнинг «Фарҳод ва Ширин» музикали драмаси ўзбек санъатининг 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган декадасида пойтахт тамошабинлари орасида катта муваффақият қозонди. Бу декададан сўнг ба'зи театрлар «Фарҳод ва Ширин» адабий текстининг музика фактурасини тинқловчиларнинг диднга мос қилиб қайта ишлаш ва унисон (якка овозлик) дан кўповозлликка ўтиш соҳасида ба'зи ҳаракатлар бўлди.

Муқимий номли театр ижодий коллективининг яқинда қайтадан саҳналаштирилган «Фарҳод ва Ширин» спектакли бу асарнинг илгариги нусхаларидан тамомила фарқ қилади.

К. Яшин ёзган «Фарҳод ва Ширин» пьесасининг янги варианти Навоий достонига анча яқинлаштирилган. Драматург Навоий поэмасини диққат блан ўрганиб, ундаги асосий, ғоявий йўналишни тўғри топабилган ва Фарҳод ва Ширин ўртасидаги муҳаббат ҳақидаги лирик мотивни тўлалигича сақлашга муваффақ бўлган. К. Яшин пьесада асрлар давомида халқ томонидан айтилиб келган «Фарҳод ва Ширин» достонидаги энг яхши демократик традиция элементларини сақлаб қолган. (Масалан, сотқинлик ва зараркунандалик символи, маккор кампир Ёсуман образи Навоийда йўқ эди).

Пьесанинг музикаси қайта ишланган ва оркестрлашган энг яхши халқ классик мелодияларининг оддий монтажидан иборат эмас, балки текст блан органик равишда боғланган ва спектакльдаги ҳаракатнинг ажралмас қисмидир. «Фарҳод ва Ширин»нинг музикаси Фарҳод темаси—ватанпарварлик, қаҳрамонона меҳнат ва кураш («мискин») ҳамда Ширин темаси—халқлар дўстлиги, умрбод, содиқ севгига чақиручи («найларам») темаларини акс этдиручи икки лейтмотив асосига қурилган. Бу музикали драмада Хисров ва маккор Ёсуманнинг аниқ характеристикасини беручи муваффақиятли ўринлар ҳам бор.

Музика авторлари Ю. Ражабий ва Г. Мушель мелодик материалдаги бутун гўзаллик ва миллий колоритни тўла сақлаганлари ҳолда, «Фарҳод ва Ширин»нинг аввалги вариантларида мавжуд бўлган энг муҳим ўзбек халқ мелодияларини йиғиш блан бирга қатор янги қўшиқ ва мелодиялар олиб кирганлар. Барча музика материали моҳирлик блан оркестировка қилинган. Композиторлар оркестрлаштан бу асарда миллий колоритни сақлаб қолишга муваффақ бўлганлар.

Спектакльнинг вокал томони ҳам анча ўзгарган. Муқимий театрида биринчи марта иккиовозли хор, дуэт ва ансамблни кўриш мумкин бўлди, ариялар оддийгина ижро этилиб қолмай, балки мазмунли, аниқ талқин қилинди.

Оркестрнинг турли усуллар блан жўр қилишида дирижёр Ф. Шамсуддиновнинг роли катта. Бу спектакльда қўшиқларнинг ижроси блан пьеса тексти ўртасида ажралиш йўқ, иштирок этучиларнинг ҳаммаси саҳнада фақат музикали номерларни ижро этибгина қолмай, балки жонли ҳаракат қиладилар.

Театр коллективи бу спектакльни яратиб олга ҳараб катта жиддий қадам ташлади. Энди у бу муваффақиятни янгиянги спектакльлар блан мустаҳкамлаши керак.

Бош рольларни ва асосий партияларни ижро этучи солистлар ижодий ютуқларга эришганлар.

Ўзбекистон ССР халқ артистлари Шаҳодат Раҳимова ва Маҳмуджон Гафуровлар яратган образлар катта ва узоқ меҳнатнинг самарасидир. Ш. Раҳимова Ширининг реалистик, ҳаётий ва нишини ҳаяжонга солучи порлоқ образини яратди, броқ Ш. Раҳимова ба'зан музикага риоя қилмайди, (VII кўриниш), кўп ҳолларда унинг ҳаракатлари сун'ий бўлиб чиқади. Бу икки камчилик Ширин образидаги олижаноблик, камтарлик ва ташқи қиёфасидаги вазминликка анча путур етказади.

М. Ғафуров яратган Фарҳод образи унинг репертуаридаги энг яхши роль ва партиядир. Артист ариялари ижро этиш маҳорати блан саҳнадаги ҳаётий-ҳаракатнинг бирлашувига қаҳрамоннинг ички ҳолатига мос келадиган ранг-баранг ва ёқимли овози орқали эришади. Агар Ғафуров тексти айтишдаги сохта патетикадан (айниқса 5-нчи кириниш) ва ба'зи позировкалардан қутилаолса Фарҳод роли янада табиийроқ ва жонлироқ бўлиб чиқарди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Болтаев Хисров образини яратишда талаб қилинадиган вокал ва саҳна маҳоратига катта э'тибор берган ва буни муваффақиятли ҳал қилаолган. Броқ Р. Болтаев ба'зан ўринларда интонацияни ижро этишда овозининг соф бўлишига янада жиддий э'тибор бериши керак. Республикада хизмат кўрсатган артист З. Қобилов ижро этган роль вокал маҳорати жиҳатидан анча бўш чиққан. Шу рольни ўйнаган артист З. Қобилов саҳна маҳорати жиҳатидан анча устун; лекин музикали спектакльда бу икки нарса ажралмасдир. Артист З. Қобилов партиянинг вокал ва саҳна ижроси устида ҳали қунт блан ишлаши керак.

Фарҳоднинг содиқ ва севимли дўсти Шопур ролида ўйнаган артист Умаров жонли, ҳаётий ва реалистик образ яратган. Артист иккинчи пардада айтиладиган Фарҳод ҳақидаги ария устида яна иш олиб бориши лозим. Шу рольни ўйнаган артист М. Исроилов ижросида лиризм кучли. Бу артистнинг камчилиги шундаки, Фарҳод ҳақидаги ария ижро этаётганида у оркестрдан ажралиб қолади. Умуман олганда иккала артист ҳам содиқлик, дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик тимсоли бўлган бу қаҳрамоннинг ҳаққоний образини яратиб берган.

Маккор Ёсуман образини яратган Ўзбекистон ССР Халқ артисти Л. Саримсоқованинг хизматини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Л. Саримсоқова «Нурхон», «Муқимий» каби спектакльларда олийжаноб, муштипар, ўтмишда эзилган оналар образини яратган эди. Ёсуман образи эса ёш каби образларга бутунлай қарама-қарши туради. Ёсуман Л. Саримсоқова ижросида беқарор, чаққон, ғоз беозор, ғоз ёвуз кампир бўлиб оладиган маккор, раҳмсиз ва ғайир кампир образи бўлиб чиққан.

Қари Ҳоқон ролини ўйнаган Ўзбекистон ССР халқ артистлари Р. Ҳамроев ва Х. Холматовлар ишонарли, реалистик образ яратганлар. Броқ Р. Ҳамроев ижросидаги ҳукмдорларга хос хусусиятлар Х. Холматов ижросида камроқ, бунинг устига Х. Холматов оталик туйғуларини очиб бериш учун талаффузга эўр беради. Биринчи пардадаги Баҳром образини яратган артист Орифбоев ўзининг нафис баритон овози блан ажралиб туради.

Республикада хизмат кўрсатган артист З. Самиева арман маликаси Моҳин Бонунинг эсда қоладиган образини яратган. Моҳин Бону Самиева ижросида ҳукмдор аёлнинг инсонийлик ва ватанпарварлик каби хусусиятларни ўзида мужассамлантирган жонли образ бўлиб чиққан.

Шеруя ролини ўйнаган артист Юсупов шуҳратпараст, ўз манфаати йўлида ўз отаси Хисровнинг қотили бўлишгача боручи ёшлиги шахс образини тўла очиб бераолмаган. Юсупов Шеруянинг тушкунлиги, унинг бошидаги ёшлиги очиб бериш ўрнига деталларга берилиб кетади, уни авантюрист қилиб кўяди (5 ва 6 кўринишлар). Шеруянинг ўз отасини ўлдирганидан кейинги трагик ҳолати тамошабинда кулги эмас, балки нафрат қўзғотиши керак эди. Бунда Юсупов рашк ўтига чидайолмай ўз отасини ўлдирган ёшлиги шахсни эмас, балки оддий қотилни тасвирлайди. Вазир (артист М. Миртолипов) 2, 4, 7 кўринишларда иштирок этса ҳам ҳаракат қилмайди. Артист 5 кўринишдагина Шеруя блан бўлган муносабатида маккор ва ярамас сотқиннинг қиёфасини очиб беради.

Кичик, лекин муҳим роллардан Мулкоро (артист Х. Исломбоев), кекса тоштарош (артист М. Шокиров), хазиначи (артист А. Раҳматуллаев) образлари жонли ва ҳаётий бўлиб чиққан. Аммо артистлардан Исломбоев ва Шокировлар оддий гапларни ҳам баландпарвоолик ва нафас блан талаффуз қилишдан қочишлари керак.

Балетмейстер Н. Гордон ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Р. Каримова томонидан саҳналаштирилган рақслар тамошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Рассом Ю. А. Визел томонидан ишланган декорациялар ва костюмлар жуда яхши чиққан.

Ашулачилар, хор ва оркестрлар ижросини усталик блан бирлаштираолган Ф. Шамсуддинов ўзининг моҳир дирижёр ва музикант эканлигини кўрсатди.

Спектакль режиссери Э. И. Юнгвальд-Хилькевич ижодий муваффақиятга эришган, Режиссёр олдида чинакам инсоний фазилатларга ва илғор ғояларга эга бўлган Фарҳод бошчилигидаги прогрессив кучлар блан халқ бошига жабр-зулм солучи, инсон ҳуқуқларини поймол қилучи Хисров бошчилигидаги манфур қора кучлар ўртасидаги тўқнашувни ва бунда илғор фикрли софдил кишиларнинг ғалабасини бадиий воситалар орқали кўрсатиб беришдек қийин вазифа турар эди. Юнгвальд-Хилькевич Навоий ва драматург асаридаги ана шу асосий ғояни образларнинг динамик ривожланиши процессида очиб берган. Режиссёр саҳна ва музика маданиятида анча муваффақиятга эришаолган, Броқ режиссёр ба'зи камчиликларга ҳам йўл қўйган. Масалан, тўртинчи кўриниш финалидаги ватанпарварликни акс эттиручи эпизодни олиб кўрайлик. Бунда Моҳин Бону образининг яхши ишланмаганлиги сезилиб турибди. Ижобий хислатларни ўзида мужассамлаштирган Моҳин Бону образи бўртдириб берилмаганлиги сабабли у, салбий образ Хисровга нисбатан та'сирсиз бўлиб чиққан. Аслида бунинг акси бўлиши керак эди. Яна шу кўринишда хор пайтида қилич блан салют берилиши ғайри табиий чиққан. Бу нарса спектакльнинг умумий планига ёпишмайди. Бешинчи кўринишдаги тоғда бўладиган жанг эпизодини қайтадан ишлаш керак. У тамошабинни ишонтирадиган бўлиб чиқмаган. Бунинг устига жанг ёмон ижро этилади. Шунингдек еттинчи кўринишдаги Шеруянинг чиқиши устида ҳам ўйлаб кўриш лозим: буни эсда қоладиган, ёшлиги ҳодиса сифатида талқин қилиш керак. Биринчи кўринишдаги «Уйғурча», тўртинчи кўринишдаги «Занг» рақсларинг пьеса воқеалиги блан алоқасини қайта кўриб чиқиш керак. Чунки бу рақслар воқиа блан боғланмаган ҳолда ижро этилади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Муқимий номли театр раҳбарлари театрнинг хор состави устида жиддий ўйлашлари керак. Театр хорида «бас» товушли солистлар бўлмагани сабабли икки овозли хор айтишда жуда катта қийинчиликларга дуч келинмоқда. Театрдаги хор составининг 20 кишидангина иборат бўлишини ҳам қониқарли аҳвол деб бўлмайди. Шунга қарамай хормейстр Н. Комарная катта ижодий иш қилган, қатор қўшиқларнинг та'сирли ва ёқимли бўлиб чиқишга эришаолган.

Юқорида қайд этиб ўтилган камчиликлардан қат'ий назар «Фарҳод ва Ширин» спектакли Муқимий номли театр коллективининг янги ижодий ютуғидир.

Театрнинг жанговар вазифаси солистларнинг вокал маҳоратини янада ошириш, қобилиятли ёшларни тарбиялаш, спектакларни тобора яхшилаб боришдан иборатдир.

«Фарҳод ва Ширин» спектакли Муқимий номли театр ижодий коллективининг имкониятлари катта эканлигидан далолат беради.

Драматургларимиз бу ижодий коллективга ёрдам беришлари,

1904 Н. А. Островский 1954

Чуқур ҳаётий ва типик образлар

Қачон, қаерда бўлмасин, отоқли совет ёзучиси Николай Островский ҳақида гап борар экан ёки унинг асарларини такрор ўқир эканман, кўз олдимда бир воқиа — икки ёшнинг бирнеча минут давомида қилган суҳбати намоён бўлади. Тошкент баҳорининг ёқимли, баҳаво оқшоми. Тўқимачилар Маданият саройининг заллари йигит-қизлар блан тўла. Кечанинг тантанали қисми тугаб, концерт бошланай деб турган пайт. Шу вақт, эшикдан шошиб кириб келган бир йигит тўғри бурчакдаги диванда гурунглашиб ўтирган қизлар ёнига борди. Ўртабўй, оппоқ юзли, ҳаворанг кўйлак кийган қиз йигитни кўрибоқ: «Вой, ана Салимакам» деб ўрнидан турди. Йигит дивандаги қизлар блан сўрашар экан, улардан бири тўйга айтмаганлигидан гина қилди. Ма'лум бўлдики, Салим ҳаворанг кўйлакли қизга яқиндагина уйланган экан.

— Жуда яхши қилибсиз, Салимака, — деди хотини унинг юзларига тикилиб, — таклиф билети, хатимни олдингизми?

— Ҳа, олдим, — деди Салим совуққина ва хотининнинг билагидан ушлаб, диваннинг ён томонига ўтди. Нима учундир унинг авзойи хафа кўринарди. Тўсатдан: «кетдик» деди у. Хотини ҳайрон бўлиб қолди

— Нега, Салимака, ҳозир концерт кўрамиз. Ўзимизнинг фабрика ҳаваскорлари...

— Концертга менинг тоқатим йўқ, кетдик, — деди Салим зарда блан.

— Ўзи тинчликми, нима гап?

— Ҳеч гап йўқ, кетдик дедим, тамом, Қани юринг.

Дивандагилар гарчанд бу суҳбатни эшитиб турсалар ҳам, ўзларини билмасликкка олишарди. Салим уларга парво қилмай терс гапирарди.

— Шундай концертни ташлаб-а? — ялингансумон эркаланиб гапирди хотини.

— Ҳа. Мени эр десангиз бўлинг тезроқ, — қаттиқ туриб олди Салим.

— Сизни дейман, ҳозир кетишим ҳам мумкин, аммо биринчи марта шундай қилаётганингиз йўқ, Салимака.

— Ҳамавақт шундай қилишим ҳам мумкин, тушунарлими, — деди Салим.

— Демак, сиз деб мен доим комсомол ўртоқларимдан, коллективдан ажралиб юришим керакми?

Хотини ўйланиб қолди, кейин алланарса эсига тушгандай оҳиста сўзлайбошлади:

— Павканинг Тоняга берган жавобини эсланг-а: «Тоня... сени севганимни ҳам биласан, албатта, муҳаббатим янгидан қайтиши ҳам мумкин. Лекин бунинг учун сен биз блан бўлишинг лозим. Мен энди аввалги Павлуша эмасман. Агарда менга — сен энг аввало менга ва сўнгра партияга қарашлисан дейдиган бўлсанг, у ҳолда мен жуда ёмон эр бўлар эдим. Мен энг аввало партияга ва сўнгра сенга ва бошқа яқинларимга мансуб бўламан».

— Қўйинг, шу китобий гапларни, — деди Салим қўл силтаб.

Суҳбат шу ерга келганда дивандаги қизлардан бири ўзини тутаолмади шекилли, ирғиб ўрнидан турди.

— Китобий дедингизми, Салимака, — деди у жиддий вазиятда, — тушунмас экансиз. Ўртангизда бўлиб турган ҳозирги суҳбат ҳам китобийми? Хафа бўлманг-у, сизни мен ҳақиқий комсомол деб юрар эдим. Қўйиб берса ўртоғингизга паранжи ёпин дерсиз ҳам?!

Салим гап тополмай қолди, бўшашиб кетди, «Иш бор эдида» деб қўйди оҳиста.

Бу орада диванда қолган икки қиз ҳам суҳбатга қўшилиб, Салимнинг кўпчилиндан ажралиб қолганини гапириб кетишди. Звонок чалиндию, суҳбат бўлиниб, ҳаммалари залга киришди.

Орадан ярим йилча ўтиб, ўша фабрикага бориб қолдим. Юқоридаги воқиа ҳамон мени қизиқтирарди. Диванда ўтирган қизлардан бири—Фавзия исмли тўқувчи блан учрашиб, гап орасида шу воқиани сўрадим. У, кулиб туриб ҳаммасини айтиб берди: Салим ҳақиқатан ҳам коллективдан ўзини четга олиб юрар, хотинига қўпол муомала қилар экан. Ҳатто комсомол ўртоқлари бу тўғрида гапириб қолганда, «бу бизнинг эр-хотиннинг шахсий ишимна» дейдиган бўлиб қолибди. Фабрикада «Совет ёшларининг ма'навий қиёфаси» деган темада суҳбат ўтказилганда, Фавзиянинг ўзи Салимни мисолга келтирипти. Шундан кейин Салим камчиликларига тушиниб, аста-секин уни йўқотабошлапти. Мана ҳозир кўринг, дейди Фавзия, эр-хотин шундай тотувларки... Ҳамманинг ҳаваси келади. Салим яқинда бўлган китобхонлар конференциясида «Пўлат қандай тобланди» асаридаги Павка Корчагининнинг совет ёшларини тарбиялашдаги роли ҳақида доклад ҳам қилибди.

Бу воқиа — «Пўлат қандай тобланди» романидаги кичик бир эпизоднинг икки ёшнинг ҳаётига қанчалик тарбиявий та'сир қилганини кўрсатади.

Совет ёшлари, бутун дунёдаги прогрессив ёшларнинг севимли ёзучиси Николай Островский асарларининг кучи ҳам шундаки, бундаги образлар чуқур ҳаётий, типик образлардир. Совет адабиётида ёшлар учун «ҳаёт дарслиги» бўлиб қолган ўнлаб бадиий китоблар бор. Николай Островский асарлари ҳам шулар жумласидандир. Николай Островскийнинг асарлари ўзининг юксак голвий мазмуни, ҳаққонийлиги блан Совет адабиётида алоҳида ўрин тутади.

Биз, ўзбек совет ёзучилари бадиий асарларда замонамиз йигит ва қизларининг образларини ёрқин, ҳаққоний акс этдиришда Николай Островскийнинг ижодий меросидан тинмай ўрганамиз.

Раҳмат ФАЙЗИЙ.

«Инсон учун энг қимматли нарса — ҳаётдир. Инсонга у бир марта берилади, киши шундай яшаши керакки, самарасиз ўтган йилларга қаттиқ ачиниб, сўнгра ўқинмасин, разил ва паст ўтмишнинг уяти юракни ёндирмасин, у ўлар экан: бутун кучим ва бутун умрим дун'ёда энг гўзал нарсага—кишиликни озод қилиш учун курашга берилган эди, деяолсин...»

Н. ОСТРОВСКИЙ.

Сенинг ёрқин образинг

Бўронли йилларнинг хотири дилда,
Қиличнинг чақмоқдек чақнади у кун.
Сендек қаҳрамонлар жонажон элда,
Асрий зулумотни емирди бутун.
Корчагин сиймоси равшан кўзгудир,
Жангларни эсласак бўлади аён.
У — мардлик, енгилмас, зафар,
орзудир,
Ундан ўрнак олар ҳарбир қаҳрамон.
Октябрь тонгининг порлоқ нурларни,
Табриклаб, қучдинг сен уни жанг
блан,
Шонли партиянинг мард
фарзандларин,
Тасаввур этамиз доим сен блан
Чунки сен миллион жанговар ёшлар
Сафидан жой олиб интилдинг жангга,
Пўлатдай тобланиб мард ватандошлар
Озодлик келтирди она-Ватанга.
Жонажон Ватаннинг ҳилшираб турган
Қирмизи байроғи эслатар сизни,
Бугун, коммунизм боғига юрган
Ботирлар ўрганар тажрибангизни.

Қўлдан тушмас «Пўлат қандай
тобланди»,
Дилларга яқиндир улуғ жангнома.
Ундан мардларимиз жангни ўрганди,
Курашда қозониб шонли галаба.
Одатдир ҳарқачон бизнинг авлодга,
Пўлатдай тобланиб қучмоқ шон-зафар,
Ҳаётнинг гул кўкси тўлиқ ижодга,
Дамлар ўтмоқдадир қувноқ нақадар.
Корчагин отқозиб ёвлар устига,
Жаннга кўкрак керган жойларда буон,
Кенг даштлар бурканиб чаман тусига,
Яралган серҳосил чексиз гулистон.
Эл бахтли яшайди, ўз диёрида —
Буюк қурилишлар қўтармоқда қад,
Истиқбол, юксалиш ихтиёрида
Зафарга интилар голиб, ҳамжиҳат,
Курашда, меҳнатда шонли комсомол,
Номингни шараф-ла ёдлайди ҳардам,
Янги зафарларни қучганда хушҳол
Сенинг ҳам ҳиссанг бор деб эслар
шудам.

НАЗАРМАТ.

Островскийга бағишланган виставка

Алишер Навоий номидаги Давлат халқ кутубхонасида отоқли рус ёзучиси Николай Алексеевич Островскийга бағишланган уч бўлимдан иборат виставка ташкил этилди.

Виставканинг биринчи бўлимида Островскийнинг 1919 йилда комсомол сафига ўтганлиги, мамлакатимизнинг ички ва ташқи душманларига қарши ҳормай-толмай курашганлиги акс этдирилган.

Виставкадаги бир экспонатда «Улуғ куч улуғ мақсад йўлида пайдо бўлади» деган сўзларга амал қилган. Островскийнинг касал ҳолатига қарамай, «Пўлат қандай тобланди» романининг биринчи қисмини айтиб ёздираётганлиги ифода қилинган.

Китоблар витринасида Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди», «Бўрон болалари» каби асарларнинг турли йилларда босилган нусхалари, шунингдек ўзбекча нашрлари, совет ёзучиларининг Островский ҳаёти ва ижоди ҳақидаги китоблари бор.

Виставка стендларига қўйилган фото ҳужжат, сурат, китоб ва бошқа материаллар отоқли ва машҳур ёзучи Н. Островскийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида кенг тасаввур беради.

Н. РИХСИЕВ.

Кураш ва қаҳрамонлик намунаси

Мамлакатимизнинг барча ёшлари ўзларининг севимли ёзучилари, совет ёшларининг яқин дўсти ва тарбиячиси Н. А. Островский туғилган куннинг 50 йиллигини та'дим ва жамоат ишларида катта муваффақиятлар блан кутиб олмоқдалар.

Николай Островский совет адабиётини «Пўлат қандай тобланди», «Бўрон болалари» асарлари блан бойитган ёзучигина бўлиб қолмасдан, балки барча совет ёшларига янги совет кишиларининг илғор вакили, совет жамиятининг оташин курашчиси сифатида ҳам машҳурдир.

Ленин комсомолининг оташин фарзанди Н. Островский образи Коммунистик партия иши учун астойдил курашган, Ватанимизда социалистик жамият қуриш ишига ўзининг бутун ҳаётини бағишлаган киши сифатида, совет ёшларига улуғ Ватанимиз ва ижодкор ҳалқимиз учун яшовчи, меҳнат қилучи совет кишисининг ёрқин намунаси сифатида абадий яшайди.

Совет ёшлари Н. Островскийдан ва унинг ажойиб асари «Пўлат қандай тобланди» романининг бош қаҳрамони П. Корчагиндан ўз мақсадлари сари интилишда ҳарқандай қийинчиликдан қўрқмасликни ва уларни енгаолишни ўргандилар. Ленин комсомоли биринчи бўғинининг вакили Островский совет ёшларига ҳар соҳада ўрнак бўлиб қолмоқда.

Николай Островскийнинг жасоратидан илҳомланган совет ёшлари Улуғ Ватан уруши фронтларида фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонларча кураш олиб бордилар. Краснодон шаҳрида яширин подполье тузган ёшгвардиячилар учун Островскийнинг ҳаёти катта мактаб бўлиб хизмат этди. Урушдан сўнгги тинч ҳаёт шароитида ўзларининг новаторлик ҳаракатлари блан танилган Александр Чутких каби ишлабчиқариш илғорлари Островскийнинг ана шу мактабида етишиб чиққан кишилардир. Совет ёшлари учун меҳнат фронтида, колхоз далаларида, станоклар ёнидагина ўзларининг коммунизм руҳида тарбияланганликларини кўрсатиб қолмасдан, балки ўқишда ҳам катта ютуқларга эришиб, тўла ма'носи блан ленинчи комсомол эканликларини намойиш қилмоқдалар

Николай Островскийнинг образи совет ёшларига шахсий манфаатни жамоат манфаатига бўйсундириш, жамоат ишига нисбатан ҳурмат ва муҳаббат блан қарашни ўргатади.

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети студентлари Островскийнинг ўлмас асарларини ўқиб, ўрганмоқдалар ва улардан илҳомланиб, ўқиш ва жамоат ишларида актив қатнашмоқдалар. Университетнинг энг илғор комсомоллари—Зуҳриддинов, Ўлмасов, Йўлчибоев, Соатов каби Сталин стипендиатлари, Халибоева, Поневакова, Шайхов, Тюрина, Еремянц, Умарбеков каби юзлаб комсомоллар шулар жумласидандир.

Н. Островский кишилар онгидаги эскилик сарқитларига қарши қаттиқ кураш олиб борар эди. У совет кишиларини капитализм сарқитларидан халос қилиш учун, янги коммунистик ахлоқ эгаси бўлган совет кишисининг порлоқ идеаллари учун курашди. Университет комсомоллари ҳам меҳнаткашлар оммаси ўртасида эскилик қолдиқларига, динга қарши темаларда турли лекция ва суҳбатлар ўтказиб турадилар. Улар эскилик сарқитларидан қутулаолмаган ба'зибир ёшларга нисбатан Островскийча-Корчагинча курашмоқдалар.

Бизнинг комсомолларимиз меҳнат қилиш лаёқатини йўқоттан, кўзи ожиз бўлган ўртоқларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Университет комсомоллари ўзларининг барча ишларида Островский ҳаётидан намуна олишга, Павел Корчагинга тақлид қилишга интиладилар. Ёзги каникул пайтларида Ватанимизнинг пойтахти Москвада практика ўтказган студентлар, ёзучининг уй-музейига бориб, унинг ҳаёт ва ижод йўлини тасвирловчи экспонатларни зўр қизиқиш блан кўрдилар. Бу нарса университетнинг Москвада практика ўтказучи студентлари ҳаётида доимий традицияга айланиб қолган.

Бизнинг комсомол ва студентларимиз бутун мамлакатимизнинг ёшлари сингари Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди», «Бўрон болалари» каби асарларини жуда севиб ўқимоқдалар. Комсомолга қабул қилинаётган студентлардан «Сен Н. А. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» романини ўқиганмисан?» деган саволга ҳамища тасдиқ жавоби олинади. Чунки, коммунист ёзучининг бу асарини ўқимасдан, уни севмасдан чинакам комсомол бўлиш мумкин эмас.

Ўрта Осиё Давлат университети студентлари Островский туғилган кунининг 50 йиллигига катта тайёргарлик кўрдилар. Университетнинг асосий кутубхонасида бу кунга атаб Островскийнинг ҳаёт ва ижодий йўлига бағишланган виставка ташкил қилинди. Филология факультетининг комсомоллари Островский туғилган кунига бағишланган кеча ўтказдилар. Бу кечада студентлар Островский асарларидан бадиий ўқиш блан чиқдилар. Лекторлар группаси Николай Островскийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган темаларда докладлар ўтказмоқда. Бундан ташқари университетнинг ҳамма факультетларида шу кунга бағишланган лекция ва докладлар ўтказилди.

Николай Островский ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ёшларимизнинг ўқишда, жамоат ишларида актив қатнашишларида ва мақсадларини амалга оширишда ўлида Корчагин сингари қўрқмас, темир иродали кишилар бўлишга, я'ни партия ишига содиқ курашчи бўлишга чақиради.

С. НАЗАРОВ,
В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети комсомол ташкилотининг секретари.

Н. Островский асарларининг Ўзбекистонда нашр этилиши

Оташин революционер ва талантли ёзучи Николай Алексеевич Островский асарлари Ўзбекистонда 1935 йилдан босилабошлади. Ёзучининг «Пўлат қандай тобланди», «Бўрон болалари» китоблари ўзбек, уйғур, қорақалпоқ тилларида бирнеча мартадан босилиб чиқди.

Ўзбекистон ССР Китоб палатасининг берган ма'лумотига қараганда шу кунгача Островский асарлари Ўзбекистонда жа'ми 14 марта 230.000 нусха нашр этилган.

Бундан ташқари Островский асарлари айрим тўпламларда, хрестоматияларда мингларча тиражларда босилиб келди ва босилмоқда.

Г. АМИРОВ.

Қаҳрамонлик блан ўтган умр

(Н. А. Островскийнинг туғилганига 50 йил тўлиши муносабати блан)

Бу кишини эслаганимда, менинг кўз олдимда оғир, уқубатли касаллиқдан сарғайган, ҳолдан тойган кишининг афти кўринмайди, ориқ, деярлик ҳаракатсиз бўлиб ётган, устига одеял ёпиб қўйилган қўллар кўринмайди, балки Октябрьда ғалаба қозонган, ғалаба байроғини граждан лар урушининг оловлари орасида мағрурлик блан баланд кўтариб ўтган, бу байроқни социализмнинг дастлабки қурилишлари тепасига олиб чиққан наслнинг жангчиси бўлган кишининг мардлик блан тўла қиёфаси кўз олдимда гавдаланади. Бу киши Ленин комсомолининг содиқ фарзанди, ўзининг бутун кучини инсоният бахти учун курашнинг улуғ ишига бағишлаган букилмас иродали коммунистдир...

«Турмуш мени тўшакка ётқизиб қўйганидан кейин, мен ўзимни тарбиялаган кекса большевикларга синфнинг ёш аъзоси ҳечбир шароитда таслим бўлмаслигини исбот қилмоқ учун бутун кучими бағишладим. Партия менга ҳамища меҳрибонлик қилиб турғани учун шундай қаҳрамонлик йўлидан бордим».

Бу гапларни кенг китобхонга ма'лум бўлган «Пўлат қандай тобланди» ва «Бўрон болалари» романларининг автори коммунист—ёзучи Николай Алексеевич Островский ўзи учун тантанали кунда, я'ни партия унинг кўкрагига Ҳукуматнинг олий мукофоти бўлган Ленин орденини тақиб қўйган кунда айтган эди.

Островскийнинг қаҳрамонлик блан тўла бутун умри шу сўзларни исботловчи ёрқин далилдир. У ҳечқачон таслим бўлмаган ва умрининг охирги кунларигача таслим бўлмади. Энг ёвуз душман бўлган касаллик блан курашганида ҳам чекинмади ва ғолиб бўлиб қолди.

Бугун Совет Иттифоқининг барча ҳалқлари Н. А. Островскийнинг туғилганига 50 йил тўлган кунни нишонламоқдалар. Ёзучи фақат ўттиз икки йил умр кўрди. Шу муддатдан 9 йилини у оғир касал сабабли тўшакда ҳаракатсиз ётиб ўтказди, етти йил кўришдан маҳрум бўлиб ётди, У тамомила инвалид эди, лекин фақат медицина нуқтаи назардангина инвалид эди.

«Ҳозир менинг тўшакка ётиб қолганим менинг касал киши эканлигимни кўрсатмайди. Мени касал дейиш нотўғри. Бу—беҳуда гап!—деб ёзган эди Островский ўзининг дўстига.—Оёқларимнинг ҳаракатсиз бўлиб ётганлиги ва ҳечнарсани кўрмаслигим — ўтакетган бема'нилик, англашилмовчиликдан бошқа нарса эмас!».

Венгер ёзучиси Матэ Залка — испан ҳалқининг озодлиги учун ўзини қурбон қилган машҳур генерал Лукач 1934 йилда Островский блан учрашганидан кейин, унда «Бу паҳлавон, шавкатли йигит — жангчи» экан деган таассурот қолди. Касал ва кўр Островский ўзи блан ўзи овора бўлиб қолмади, ҳатто касаллик ҳам уни ҳаётдан ажратаолмади. У ҳалқ манфаатлари блан ва ҳалқ учун яшади. Шунинг учун ҳам Островский ўзи касал бўлиб ётган даврда, ўзи учун энг оғир бўлган пайтда, оптимистик асар бўлган «Пўлат қандай тобланди» асарини ёзди, мазлумларнинг курашга ва ғалабага интилишини ўзида гавдалантирган Павел Корчагин образини тасвирлаб берди. Инсоннят бахти учун кураш Островскийнинг шиори эди. У ёшлик чоғида, Шепетовка станциясидаги буфетда сув қайнатучи бўлиб ишлаган. У, болалик пайтидаёқ капиталистик эксплуатациянинг ҳамма разилликларини, ҳамма кулфатларини бошидан кечирди. У вақтда 12 яшар Павелда «Бу одам учун чинакам ҳаёт эмас» деган фикр мустаҳкам ўрнашди.

Бўлажак ёзучининг қарашлари китоблар ёрдами блан шакланди. У кучли характерга эга бўлган кишиларни, одамнинг бахти учун ўлимдан қўрқмайдиган кишиларни китоблардан излади, шунинг учун ҳам Островский 14 ёшга кириши блан чинакам ҳаёт учун курашга қўшилиб кетди.

1918 йилда Шепетовка шаҳар большевиклар ташкилоти яширин ишламоқда эди. Ўша вақтда Николай Островский алоқачилик вазифасини бажарди, шаҳарда бўлаётган воқиалар тўғрисида ташкилотга аҳборот бериб борди, айрим топшириқларни бажариб турди, меҳнаткашларни оккупациячиларга қарши курашга чақируччи хитобномаларни шаҳар деворларига ёпиштириш блан шуғулланди.

1919 йил 20 июльда Коля Островский ва унинг дўстлари биринчи бўлиб комсомол сафига киришди. Ўша вақт мамлакатимиз учун хавотирли пайт эди. Кейинроқ Островский ўша даврни эслаб бундай деган эди: «Биз комсомол билети блан бирга милтиқ ва икки юзтадан ўқ олган эдик. Партиянинг содиқ ёрдамчилари бўлган биринчи комсомоллар ўз шуҳратларини сра ўчирмайдиган ишларни қилдилар».

Қизил Армия қисмлари кузда Шепетовкани вақтинча ташлаб чиққан вақтда Островский фронтга жўнади. Ўлмас қаҳрамон Котовский бригадасида, Биринчи отлиқ армия жангчиларининг сафларида қўлга қурол олиб ўз халқининг бахти учун бўлган жангларда курашди. Николай Алексеевич 1920 йил август ойида Львов остонасида бўлган жангларда қаттиқ яралар бўлди. Соғайгандан кейин Армия сафидан озод қилинди. У инвалид бўлиб қолган эди.

Лекин касалман деб ётиб бўлардими?! Мамлакат уруш вайрон қилган хўжалигини тиклаш учун бутун кучини сарф қилмоқда эди. Ўз халқининг содиқ фарзанди бўлган Островский социализм учун курашга актив киришди. Ўзининг ёш дўстларининг кетидан эргашди.

1921 йил. Киев. Корхоналарнинг, муассасаларнинг ишлаши учун, мактабларда дарсларнинг давом этиши учун ўтин керак эди. Ўтин-кўмир кун тартибидаги асосий масала бўлиб қолди. Партия ташкилоти ўтин ташимоқ учун темирйўл тармоғи қуришга комсомолларни чақирди. Душманларнинг виёнчиликдан иборат планига кўра шаҳарга керакли ўтин ўрмоннинг жуда ичкарисида, темирйўлдан узоқдаги жойларда тайёрланган эди. Қаҳрамон ёшлар йўл ёмонлигига, қаҳратон совуқ бўлаётганлигига, контрреволцион шайкаларнинг ҳужумига учраш хавфи борлигига қарамай, партия топширган ишни бажаришга зўр ғайрат блан киришдилар. Николай Островский ҳам шулар орасида эди. Бу ерда оғир касал бўлиб қолди ва беҳуш бўлиб йиқилди, уни Шепетовкага юбордилар.

1922 йилнинг октябрь-ноябрь ойлари. Островский Киевга қайтиб келиб, ўзининг бетоблигига қарамай, сув тошқини вақтида дар'ёдан оқиб келаётган ёғочларни қутқариб қолиш ишларига комсомоллар бригадаси блан бирга иштирок қилади.

1923 йил. Островский Берездовский район комсомол комитетининг секретари ва умумий ҳарбий та'лим батальонининг комиссари бўлиб ишлайди, диверсантларга қарши курашда, Украинада бандитизмни тугатишга қатнашади.

Партия томонидан Островскийга топширилган ва у шараф блан бажарган ишларнинг саноғини яна давом этдириш мумкин, лекин шу айтганларнинг ўзи ҳам бу ажойиб комсомол йигитнинг ҳаёти нақадар сермазмун ва курашчан ҳаёт бўлганлигини тушуниб олиш учун кифоя қилади.

1924 йил 9 август куни Островский ҳаётида унутилмас кун бўлди. Шу куни унинг энг азиз орзуси рўёбга чиқди.— У Коммунистик партиянинг а'зоси бўлиб қолди. «Мана шундай улуғ, мисли кўрилмаган даврда қандай қилиб партиядан четда яшаш мумкин?» деб ёзган эди у.

Фидокорона ва қизғин иш, ярадорлик, шамоллаш Николай Алексеевичнинг соғлигига ёмон та'сир қилди. 1925 йилда унинг ҳаётида жуда оғир давр бошланди. Островский бу даврни «Ҳаёт учун, сафга қайтиш учун кураш» даври деб атаган эди.

Соғлиғни қайтариб бўлмади. Соғайиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолди. Демак, бошқа бир илож топиш керак эди.

Николай Островский бу иложни топди. У ўз билимини ошириш блан шуғулланабошлади, янги катта ишга тайёргарлик кўришга киришди, Унинг улфати китоб бўлиб қолди. У бутун кун бўйи сиёсий ва бадиий адабиётларни ўқиш блан шуғулланди. «Ўз устимда тинмай ишлашим натижасида интеллигент бўлиб қолдим» деган эди Н. Островский.

Ёзучининг биринчи адабий иши Котовский бригадасининг жангчиларига бағишланган эди. Бу асарни у Одессадаги ўртоқларига юбориб, уларнинг фикрини сўради. Ўртоқлари қўл'ёзмага жуда яхши баҳо бердилар ва уни қайтариб юбордилар. Лекин Островскийнинг бу повести почтада йўқолди. Островский «Саккиз ойлик қаттиқ меҳнатимнинг маҳсули ҳалок бўлди» деб ачиниб ёзган эди.

Лекин бу оғир зарба Островскийнинг сафда қолиш, ўз Ватанига фойдали киши бўлиш йўлидаги интилишини тўхтатаолмади. У 1930 йилда Москвада, тамомила кўр бўлиб қолганига қарамай, янги иш бошлайди.—«Пўлат қандай тобланди» романини ёзишга киришди.

Островский романнинг биринчи саҳифаларини ўз қўли блан ёзди. У кечалари уйда жим-житлик бўлганида ёзар ва ёзиб бўлган ҳарбир саҳифани полга ташлар эди. Эрталаб унинг қариндошлари шу ёзилган қоғозларни йиғиштириб папкаларга солиб қўяр эдилар. Кечқурун ишдан кейин эса, бир-бирига қўшилиб кетган сатрларни минг машаққат блан ўқиб кўчирар эдилар.

Лекин орадан кўп ўтмай Николай Алексеевич ўз фикрларини ўзи ёзолмайдиган бўлиб қолди. Ёмоқчи бўлганида қўлида аламли оғриқ пайдо бўлар эди. У диктовка қилишга киришди. Ана шундай кунларда Островский ўзининг дўсти Шура Жигиревага юборган хатида бундай деган эди: «Мен қийин кунларни кечирмоқдаман, лекин бутун кучимни, бутун ҳаётимни китобга бағишламоқдаман... Мен турмушга йўлланма олишим лозим, буни астойдил истайман».

Ниҳоят китоб ёзилиб бўлди. Уни нашриётга юбордилар, лекин нашриётдагилар шошилмадилар. Ҳар кун Островский учун машаққатли кутиш куни бўлмоқда эди. У қўл'ёзма қабул қилинмасдан қолармикан, деб ҳовотирда эди. Ниҳоят сабрсизлик блан кутилган хабар етиб келди: «Пўлат қандай тобланди» нашр этиш учун қабул қилинган эди. Островский ниҳоятда хурсанд бўлган эди. У, бахт менга қўл узатди, ва мен чуқур архивдан ҳаракатдаги армияга ўтдим, деди. Китобнинг қабул қилинганлиги, китобхонларга манзур бўлганлиги Островскийнинг кучига куч қўшди, уни янги ишларга чақирди, унда янги ижодий планлар туғулишига сабабчи бўлди.

Бу ажойиб роман босилиб чиқиши блан китобхонлардан тўхтовсиз хатлар келабошлади. Китобхонлар ўзларининг шу хатларида фақат бир фикрни, фақат битта истакни изҳор қилмоқда эдилар. Улар Николай Островский сингари бўлишни, Павел Корчагин сингари бўлишни истаганликларини ёзмоқда эдилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Н. А. Островскийнинг хизматларига юксак баҳо бердилар. Ёзучи Ленин ордени блан мукофотланди.

1934 йилда Н А. Островский «Бўрон болалари» деган янги романи ёзишга киришди, Ёзучи бу асарига «сиёсий асар», «фашизмга қарши асар» деб ном берди, бу асарда «Икки дун'ёнинг, икки ма'навий кучнинг—ишчилар синфи блан буржуазиянинг» курашини кенг манзараларда кўрсатиб беришга интилди. Афсуски, бу роман чала қолди. Островский 4 китобдан фақат биттасинигина ёзишга улгурди.

Николай Островскийнинг қизғин, фидокорона ҳаёти, унинг қаҳрамонлик блан тўлган умри, унинг ажойиб асарлари миллион-миллион кишиларга улуғ мақсад йўлида қандай қилиб яшашни ва курашишни ўргатмоқда.

Ёзучининг Москвадаги уй—музейига Улуғ Ватан уруши йилларида ўнлаб, юзлаб хатлар келиб турди. Совет Армиясининг солдатлари ва офицерлари ўзларининг шу хатларида, Островскийнинг китоблари «Бизга жангда ўзимизни қандай тутишни ўргатмоқда», «Пўлат қандай тобланди» романи душманга қарши курашга ёрдам бермоқда, бу китоб ғалаба символи бўлиб қолди, деб ёздилар. Иккинчи бўғин ёшларнинг—Зоя Космодемьянская, Лиза Чайкина, Саша Ченалин, Юрий Смирнов, Краснодон қаҳрамонларининг номи Островскийнинг ўлмас номи блан чамбар-час боғланган. Саҳифалари қонга бўялган «Пўлат қандай тобланди» ва «Бўрон болалари» китобларининг анчагинаси Николай Островский музейида сақланмоқда. Бу китоблар бизга ғалабадан кейин Николай Островскийнинг ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун жангчилар блан бирга курашганлигини кўрсатучи шоҳид сифатида қайтиб келди.

Бугун Николай Островскийнинг номи миллион-миллион совет кишиларининг оғзидан тушмаётир. Унинг ҳаётидаги қаҳрамонлиги севикли Ватан бахт-саодати йўлида янада яхшироқ меҳнат қилиш истагини туғдирмоқда. Қўриқ ерларни ўзлаштириш учун борган ёшлар музейга юборган хатларида бундай деб ёздилар: «Афсуски, бизнинг орамизда Николай йўқ... Биз ундан жуда миннатдормиз. Унинг образи бизни янада яхшироқ меҳнат қилишга мажбур этмоқда»

Бутун прогрессив инсоният ҳалқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик ўрнатиш учун якдил бўлиб курашаётган ҳозирги кунларда жангчи ёзучининг бутун Украина комсомолларининг IX с'езди делегатларига мурожаат қилиб айтган оташин сўзлари эсга тушади: «Меҳнат соҳасидаги жаҳон рекордлари, оламшумул муваффақиятлар, маданиятнинг ниҳоят даражада ўсаётганлиги, илм олиш истаги тобора кучайиб бораётганлиги, мана шулар бизнинг мамлакатимиз учун, тинч қурилиш блан шу гуллаётган мамлакатимиз учун энг характерли белгиларидир. Мамлакатимиз тепасида тинчлик байроғи баланд кўтарилган. Бу гўзал байроқ бутун инсониятнинг умидидир».

Р. ОСТРОВСКАЯ.

Хитой жамоатчилиги Н. А. Островский туғилган куннинг 50 йиллигини нишонламоқда

ПЕКИН, 25 сентябрь. (ТАСС). Кеча Хитойда курашчи-ёзувчи Н. А. Островский туғилган куннинг 50 йиллиги нишонланди. Н. А. Островскийнинг ҳаёти Хитой Халқ Республикасининг ёшлари учун илҳомбахш намуна бўлмоқда. Н. А. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» ва «Бўрон болалари» номли асарлари хитой тилига таржима қилинди ва Хитой ёшларининг севикли китоблари бўлиб қолди.

Хитой-совет дўстлиги жамияти, Адабиёт ва санъат ходимларининг Умумхитой уюшмаси ҳамда Хитой ёзувчилари союзи Н. А. Островский туғилган куннинг 50 йиллигига бағишлаб Пекинда кеча ташкил қилдилар.

Н. А. Островскийнинг ҳаёт йўли тўғрисида Гэ Бао-цюань доклад қилди.

Кечада Н. А. Островский асарларидан парчалар ижро этилди. «Пўлат қандай тобланди» кинофильми кўрсатилди.

———

Болгария меҳнаткашлари рус тилини ўрганмоқдалар

СОФИЯ, 27 сентябрь. (ТАСС). Болгар-совет жамиятлари союзи мамлакатда рус тилини ўрганиш бўйича 6.500 халқ курслари ташкил қилди. Бу курсларнинг кўплари янги ўқув йилини бошлаб юборишдилар.

Болгар-совет жамиятлари союзининг нашриёти рус тили бўйича уч қисмли дарсликни катта тираж блан янгидан нашр этди. Курс ўқитучиларининг малакасини ошириш учун семинарлар ташкил қилинди.

———

Совет-Руминия ахборотлари ҳақида Руминияда баён қилинган фикрлар

БУХАРЕСТ, 28 сентябрь. (ТАСС). Руминия телеграф агентлигининг билдиришича, Руминия матбуоти аралаш совет-румин жамиятларидаги совет ҳиссасини Руминия Халқ Республикасига топшириш тўғрисидаги Совет-Руминия ахборотини шарҳлаб ёзмоқда.

«Роминна либера» газетаси бошмақоласида бундай деб ёзади: тузилган битимларда кўзда тутилган фойдали шартлар Совет Иттифоқининг Руминия Халқ Республикасига кўрсатган янги жуда катта ёрдамидир.

«Мунка» газетаси ўзининг бош мақоласида бундай деб таъкидлаб ўтади:

Румин халқи аралаш совет-румин жамиятларидаги совет ҳиссасининг Руминия Халқ Республикасига топширилиши ҳақида битимлар тузилганлигини табриклаб, улуғ Совет Иттифоқига қизғин ташаккурини изҳор қилади.

———

Копенгагенда совет артистларининг концертлари

КОПЕНГАГЕН, 26 сентябрь. (ТАСС). Дания блан Совет Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик қилиш Дания жамияти Копенгагенда король театрининг филиалида 25 сентябрьда кеча ўтказди. Кечада совет артистларидан Т. Гусева, И. Тихомирнова ва Г. Ледях концерт бердилар. Кечада СССРнинг Данияда элчиси, халқ демократияси мамлакатларининг ва ХХР-нинг дипломатик вакиллари, Швециянинг Данияда элчиси, Дания блан Совет Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик қилиш Дания жамияти правениесининг аъзолари ҳамда Дания жамоатчилигининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Концертнинг биринчи бўлимида пианиночи Т. Гусева Мясковскийнинг, Прокофьевнинг ва Листнинг асарларини ижро этди. Тамошабинлар ижрочини гулдурос қарсаклар ва гуллар блан кутиб олдилар.

Кечанинг иккинчи бўлимида И. Тихомирнова ва Г. Ледях хилма-хил балет программасини кўрсатдилар. Тамошабинлар бу программанинг ижросини ғоят катта завқ блан тамоша қилдилар.

Концертда даниялн артистлардан Инге Вид Меллер М. Горькийнинг «Лочин қўшиғи» асарини ва К. Симоновнинг шеърини ижро этди. Данияннинг машҳур режиссёри Сам Бесеков Чеховнинг «Роман с контрабасом» деган ҳикоясини ажойиб маҳорат блан ўқиб берди.

Матбуот совет артистларининг тамошаларига юксак баҳо бермоқда.

———

Эрон нефти ҳақидаги асоратли битимга қарши

ТЕҲРОН, 28 сентябрь. (ТАСС). «Иттиҳоди милал» газетаси бундай деб ёзади: «Бундан бирнеча кун илгари Мажлисга ва сенатга руҳонийларнинг кўзга кўринган вакиллари, давлат арбоблари, университет профессорлари, «миллий ҳаракат» собиқ парламент фракциясининг аъзолари ва баъзи партияларнинг вакиллари имзоси блан мактуб юборилган. Бу мактубда нефть тўғрисидаги масала юзасидан тузилган битимга қарши норозилик билдирилади.

Газетанинг уқтириб ўтишича, нефть тўғрисидаги янги битим мажлисда ва сенатда тасдиқлангандан кейин «Америка ҳукумати Эронни ғарбий давлатлар лагерига ва Ўрта Шарқ ҳарбий-сиёсий иттифоқига тортиш учун бор куч-қувватини сарф қилажак. Бироқ, бу ерда фараз қилинишича, бу мақсадга осонгина эришиб бўлмаса керак».

———

Индонезия бош министри Деҳлидан жўнаб кетди

ДЕҲЛИ, 26 сентябрь. (ТАСС). Ҳиндистон информация бюросининг хабар беришича, Индонезия бош министри доктор Састроамиджойо бугун эрталаб Деҳлидан Рангунга жўнаб кетган, у Рангунда уч кун туриб, ундан Индонезияга жўнаб кетади.

Палам аэропортида уни бош министр Неру, Индира Ганди, министрлар, дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари, уч турдаги қуролли кучлар қўмондонлари ва юқори мансабдаги чиновниклар узатиб қолганлар.

Германия Компартияси правлениесининг немис халқига мурожаати

БЕРЛИН, 26 сентябрь. (ТАСС). АДН агентлиги билдиради: Аденауэр ҳукумати Германия Коммунистик партиясига қарши суд тайёрлаётганлиги муносабати блан Компартиянинг правлениеси немис халқига хитобнома блан мурожаат қилди.

«1954 йил 23 ноябрьда «Карлсруэдаги федерал конституцион суд, — дейилади хитобномада, — Германия Коммунистик партиясини тақиқлаш тўғрисидаги ишни кўради. Ғарбий Германиядаги аҳолининг демократик ҳуқуқлари ва эркинликларига, унинг миллий ва ҳаётий манфаатларига қарши бошланган бу ҳужум кучли ташвиш туғдирмоқда.

«Зўровонлик сиёсати», Аденауэрнинг, немис милитаристлари ва қасосчиларининг сиёсати боши берк кўчага кираётир. Аденауэр, немис ва четэл империалистлари кириб туриптиларки, Ғарбий Германия аҳолиси уларнинг зўровонлик ва уруш сиёсатидан иборат бўлган ҳалокатли бу сиёсатини борган сари равшанроқ тушунаётир ва бу сиёсатни рад этаётир. Аденауэр, немис ва четэл империалистлари Шимолий Рейн-Вестфалия ва Шлезвиг-Гольштейн ўлкаларида Христиан-демократлар союзи мағлубиятга учраганлигини кўриб шошиб қолдилар; улар Гессен ва Баварияда сайловлар Германияни милитаризация қилиш ва парчалаш сиёсатига қарши норозилик янада кўпроқ кучайганлигини кўрсатиши мумкин деб кўрқаётирлар. Ана шунинг учун Аденауэр эндиликда Германия Коммунистик партиясини таъқиқлашга уринмоқда...

Аденауэр ва милитаристлар Германия Коммунистик партиясидан қўрқаётирлар, чунки, халқимизнинг бирлик, озодлик ва тинчлик учун олиб бораётган курашида қудратли куч бўлган партиямизнинг миллий сиёсатига кишиларнинг ишончи ўсиб бормоқда. Улар ГКПдан шунинг учун қўркаётирларки «зўровонлик» сиёсати устидан тинчлик лагерининг ғалаба қилиши, Вьетнамда тинчлик ўрнатилиши, «Европа мудофаа бирлашмаси»нинг барбод бўлиши, Совет Иттифоқида, халқ Хитойида ва Германия Демократик Республикасида қурилиш ишларининг ғоят катта муваффақиятлари айни бир вақтда бизнинг ғалабаларимиз, барча тинчликсевар халқларнинг ғалабаларидир. ГКПнинг тақиқланиши Аденауэр сиёсатига ва милитаризмга қарши чиқаётган ҳамма кишиларга қарши террорни, немислар ўртасида ҳамжиҳатлик сиёсати ва халқаро ҳамжиҳатлик сиёсати тарафдори бўлган ҳамма кишиларга қарши террорни кучайтиришни мақсад қилиб қўяди...

Даллес эндиликда Аденауэрга федерал республикада Коммунистик партияни АҚШдаги сингари тақиқлаш ҳақида ва Ғарбий Германияда милитаризацияга қарши чиқучиларни қаттиқ таъқиб қилиш ҳақида буйруқ берди. Америка милитаристлари 1955 йилда ўзларига немис солдатлари етказиб берилишини талаб қилдилар. Эндиликда Аденауэр ва Ғарбий Германия милитаристлари тинчлик ва демократия кучларини раҳбарликдан маҳрум этишни ва ҳаммани жим туришга мажбур қилишни истайдилар. Чунки бусиз улар ёшларни аскарликка олишга ва уруш сиёсатини амалга оширишга киришаолмайдилар. Шу сабабдан Американинг ва немис империалистлари ҳамда милитаристларининг топшириғига биноан Аденауэр Карл Либкнехт, Роза Люксембург ва Эрнст Тельман партияси бўлган шонли партияни ман' этишни истайдилар».

Германия Компартиясининг правлениеси ишчиларни, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини, эрксевар гражданларни миллий ва демократик талабларни ёқлаб якдил бўлиб аҳиллик блан чиқишга чақирмоқда.

«ГКП ни тақиқлаш ҳақидаги судга йўл қўйилмаслиги лозим, — дейилади хитобномада. — Немислар! Демократик ҳуқуқларни ва эркинликларни ҳимоя қилингиз! Ҳамма демократик партиялар ва ташкилотларнинг иш олиб бориши, ҳарбир граждананинг фикр эркинлиги, матбуот эркинлиги ҳақидаги конституцион ҳуқуқларни, меҳнаткашларнинг бирлашиш ва забастовкалар э'лон қилиш ҳуқуқларини ҳимоя қилингиз! Барча махбус ватанпарварларни ва тинчлик учун курашчиларни озод қилиш учун тўрмаларнинг эшикларини очишни талаб қилингиз! Немисларнинг ҳамжиҳатлиги сиёсатини, хавфсизликни ва тинчликни ёқлаб чиқаётган кишиларни қамоққа олиш тўғрисидаги ҳамма буйруқларнинг бекор қилинишини талаб этингиз! Полициянинг одамларни таъқиб қилишига ва из поллаб юришига хотима берилсин, конституцияга хилоф равишда тузилган махфий жосуслик хизмати шахобчаси йўқотилсин!».

———

БИРЛИК, ТИНЧЛИК ВА ОЗОДЛИК УЧУН ҚУРАШУЧИ НЕМИСЛАР СОЮЗИНИНГ С'ЕЗДИ

БЕРЛИН, 27 сентябрь. (ТАСС). АДН агентлиги хабар беради: Бонн ма'мурлари тақиқлаганнга қарамай, бирлик, тинчлик ва озодлик учун курашучи немислар союзининг Ғарбий Германияда 2-нчи с'езди бўлиб ўтди. С'езд қатнашчилари, шу жумладан Бельгия, Голландия, Австриядан ва Германия Демократик Республикасидан келган меҳмонлар, дейилади хабарда, Кельн блан Бонн ўртасидаги участкада Рейн дарёсида қилган саёҳат вақтида с'езд кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилмоқ учун пароходда тўпландилар. С'ездда «Бирлик ва тинчликка олиб борадиган тинч йўл» деган программа бир овоздан қабул қилинди.

Бирлик, тинчлик ва озодлик учун курашучи немислар союзининг раиси Вильгельм Эльфес с'езда нутқ сўзлаб бундай деган: Ғарбий Германияни милитаризация қилиш сиёсатига хотима берилиши лозим. Германия, деган у, келишиш ва тинчлик сиёсатига муҳтождир.

Собиқ рейхсканцлер доктор Вирт бундай деган: Бирлик, тинчлик ва озодлик учун курашучи немислар союзининг 2-нчи с'езди тақиқланганлиги Ғарбий Германияда фашист кучлар ўз ишларини активлаштираётганликларини кўрсатади. «Лекин биз бўйсунмаймиз!» деб хитоб қилган Вирт с'езд қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида.

Бельгия тинчлик учун кураш ҳаракатининг вакили барон Аллар, Бельгия тинчлик тарафдорлари ҳам немис ватанпарварларининг урушга ва милитаризмга қарши олиб бораётган курашида уларга ёрдам бериш учун қўлларидан келган ҳамма чорани кўрадилар, деган.

С'ездда Голландия, Австрия ва Германия Демократик Республикаси вакиллари ҳам сўзлаганлар.

———

ЛЕЙБОРИСТЛАР ПАРТИЯСИНИНГ ҲАР ЙИЛИ БУЛАДИГАН КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛДИ

ЛОНДОН, 27 сентябрь. (ТАСС махсус мухбири). Скарбородаги Грэнд Холлнинг театр залида лейбористлар партиясининг ҳар йили бўладиган 53-нчи конференцияси очилди.

Конференциянинг ишида бу партиянинг 6.395 минг коллектив ва якка а'зоси номидан вакил бўлиб келган 1.269 делегат қатнашмоқда. Конференция партия ижроия комитетининг ҳар йили қилинадиган докладини, бу докладга тақдим этилган 227 резолюция ва уларга тузатишларни; лейбористлар партияси делегациясининг Хитой Халқ Республикасига қилган сафари тўғрисида ижроия комитетнинг ҳисоботини, партиянинг мустамлака масаласи ҳақидаги программ баёнотини муҳокама қилиш, ишларга қарши террорни, немислар ўртасида ҳамжиҳатлик сиёсати ва халқаро ҳамжиҳатлик сиёсати тарафдори бўлган ҳамма кишиларга қарши террорни кучайтиришни мақсад қилиб қўяди...

Даллес эндиликда Аденауэрга федерал республикада Коммунистик партияни АҚШдаги сингари тақиқлаш ҳақида ва Ғарбий Германияда милитаризацияга қарши чиқучиларни қаттиқ таъқиб қилиш ҳақида буйруқ берди. Америка милитаристлари 1955 йилда ўзларига немис солдатлари етказиб берилишини талаб қилдилар. Эндиликда Аденауэр ва Ғарбий Германия милитаристлари тинчлик ва демократия кучларини раҳбарликдан маҳрум этишни ва ҳаммани жим туришга мажбур қилишни истайдилар. Чунки бусиз улар ёшларни аскарликка олишга ва уруш сиёсатини амалга оширишга киришаолмайдилар. Шу сабабдан Американинг ва немис империалистлари ҳамда милитаристларининг топшириғига биноан Аденауэр Карл Либкнехт, Роза Люксембург ва Эрнст Тельман партияси бўлган шонли партияни ман' этишни истайдилар».

Германия Компартиясининг правлениеси ишчиларни, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини, эрксевар гражданларни миллий ва демократик талабларни ёқлаб якдил бўлиб аҳиллик блан чиқишга чақирмоқда.

«ГКП ни тақиқлаш ҳақидаги судга йўл қўйилмаслиги лозим, — дейилади хитобномада. — Немислар! Демократик ҳуқуқларни ва эркинликларни ҳимоя қилингиз! Ҳамма демократик партиялар ва ташкилотларнинг иш олиб бориши, ҳарбир граждананинг фикр эркинлиги, матбуот эркинлиги ҳақидаги конституцион ҳуқуқларни, меҳнаткашларнинг бирлашиш ва забастовкалар э'лон қилиш ҳуқуқларини ҳимоя қилингиз! Барча махбус ватанпарварларни ва тинчлик учун курашчиларни озод қилиш учун тўрмаларнинг эшикларини очишни талаб қилингиз! Немисларнинг ҳамжиҳатлиги сиёсатини, хавфсизликни ва тинчликни ёқлаб чиқаётган кишиларни қамоққа олиш тўғрисидаги ҳамма буйруқларнинг бекор қилинишини талаб этингиз! Полициянинг одамларни таъқиб қилишига ва из поллаб юришига хотима берилсин, конституцияга хилоф равишда тузилган махфий жосуслик хизмати шахобчаси йўқотилсин!».

———

ГВАТЕМАЛАДА ТЕРРОР

Гватемала сиёсий эмигрантларидан бир группасининг баёноти

МОНТЕВИДЕО, 26 сентябрь. (ТАСС). «Хустисиа» газетаси Гватемала сиёсий эмигрантларидан яқинда Уругвайга келган бир группасининг баёнотини э'лон қилди.

Сиёсий эмигрантлар Гватемалада яқинда бўлиб ўтган воқиаларга тўхталиб бундай деб кўрсатиб ўтадилар: Арбенс ҳукуматининг ағдариб ташланиши Кастильо Армасниг ғалабаси эмас, балки Гватемаладаги реакцион кучларнинг, четэл монополияларининг, ер эгаларининг ва руҳонийларнинг Америка элчиси Перифуа раҳбарлигида уюштирган фитнаси натижасидир. Антикоммунизмдан Гватемаладаги барча сиёсий партияларни тугатиш, касаба союзларини, деҳқонлар ташкилотларини ва халқ ташкилотларини ёпиш ҳамда халқни ҳамма ҳуқуқларидан маҳрум этиш учун ниқоб сифатида фойдаланилди, холос.

Баёнотда таъкидлаб ўтилишича, мамлакатда қаттиқ террор ҳукм сурмоқда. Гватемалалилардан 11.000 дан кўпроқ киши тюрьмаларга қамаб қўйилди. Буржуа партияларининг сиёсий арбоблари, касаба союзларининг ва деҳқонлар ташкилотларининг раҳбарлари кўплаб ўлдирилмоқда.

БМТ Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессияси

НЬЮ-ЙОРК, 28 сентябрь. (ТАСС). Кеча БМТ Бош Ассамблеясининг эрталабки ялпи мажлисида умумий дискуссия яна бошланди. Мажлисда Австралия ташқи ишлар министри Кэзи, Ироқ вакили Жамолий, Филиппин вакили Ромуло ва Колумбия вакили Уррутиа нутқ сўзладилар.

———

Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг сессияси

ПЕКИН, 28 сентябрь. (ТАСС). Хитой Халқ Республикаси халқ вакиллари Умумхитой биринчи чақириқ мажлиси биринчи сессиясининг иши тамомланишга яқин қолди.

Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг кечаги йиғилишида республика давлат аппарати раҳбарларининг янги состави сайланди.

Бундан илгари хабар қилинганича, Хитой Халқ Республикасининг раиси қилиб якдиллик блан ўртоқ Мао Цзэ-дун, раис ўринбосари қилиб ўртоқ Чжу Дэ сайланди.

Шундан кейин сессия халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг Доимий комитетини сайлади. Доимий комитет составига раис, унинг 13 ўринбосари, секретариат бошлиғи ва 65 а'зо сайланди. Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси Доимий комитетининг раиси қилиб ўртоқ Лю Шаоци сайланди. Доимий комитет раисининг ўринбосарлари қилиб: Сун Цинлин, Линь Бо-цюй, Ли Цзи-шэнь, Чжан Лань, Ло Жун-хуань, Шэнь Цзюнь-жу, Го Можо, Хуан Янь-пэй, Пэн Чжэнь, Ли Вайжань, Чэнь Шу-тун, Далай-лама ва Сайфудин сайландилар.

Олий халқ судининг раиси қилиб Дун Би-у, Олий халқ прокуратурасининг генерал прокурори қилиб Чжан Дин-чэн сайландилар.

Хитой Халқ Республикасининг раиси Мао Цзэ-дун томонидан Давлат кенгаши бош министри лавозимига Чжоу Энь-лай кандидатурасининг тасдиқланганлиги э'лон қилинди.

Бу хабарлар давомли қарсаклар блан кутиб олинди.

Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси 28 сентябрьда ўз ишини давом этдиради.

———

Вьетнамдаги кузатучи ва контроль қилиб туручи халқаро комиссия раисининг баёноти

ДЕҲЛИ, 27 сентябрь. (ТАСС) Вьетнамдаги кузатучи ва контроль қилиб туручи халқаро комиссиянинг раиси Десай Сайгонда чақиқлаш матбуот конференциясида баёнот бериб, Жанва битимини Вьетнамда амалга ошириш нормал равишда давом этиб турибди, деди. У, комиссиянинг иши ва эришган муваффақиятлари ҳақида сўзлаб берди.

Десай ҳарбий асирларни репатриация қилиш проблемасига тухталиб, бу проблема асосан ҳал этилди, агар ба'зи низо'ли масалалар бўлган экан, улар ҳар иккала томон олий қўмондонликлари вакиллари томонидан бевосита ҳал этилди, деди.

Сўнгра Десай айтдики, аҳолининг бир зонадан иккинчи зонага бориб келиб туриши чекланаётганлиги ҳақида бирқанча шикоятлар олинганлиги сабабли комиссия бу хил шикоятларни ва аризаларни кўриб чиқиш учун тегишли орган тузди.

———

Амстердамда бўлган XI халқаро шахмат олимпиадаси тамом бўлди

АМСТЕРДАМ, 27 сентябрь (**ТАСС махсус мухбири**). 25 сентябрьда кечқурун илгари тамом бўлмай қолган ўйинлар давом этдирилди. Натижада мусобақа жадвалидаги ўринлар қуйидагича тақсимланди:

Биринчи ўринни 34 очко блан СССР командаси олди. Иккинчи ўринга 27 очко блан Аргентина командаси, учинчи ўринга 26,5 очко блан Югославия командаси чиқди. Бундан кейинги ўринлар қуйидагича тақсимланди: Чехословакия командаси 24,5 очкога, Ғарбий Германия командаси 23,5 очкога, Венгрия командаси 23 очкога, Исроил командаси 22 очкога, Голландия командаси 21 очкога, Англия командаси 17 очкога, Болгария командаси 17 очкога (Англия командаси Болгария командасини ютганлиги сабабли мусобақа жадвалида Англия командаси юқори туради), Швеция командаси 15 очкога, Исландия командаси 13,5 очкога эга.

Шу блан бирга қўшимча мусобақа ҳам тугади. Бу мусобақада бундан кейинги, я'ни 13 дан 26 гача бўлган ўринларни қайси командалар эгаллаганлиги аниқланди. Бу мусобақада Швейцария командаси биринчи ўринни олди.

26 сентябрьга ўтар кечаси мусобақа расмий равишда тугади. СССР командасига олтин суви югуртирилган кумиш Кубок топширилди. Кубокка «1954 йилги XI олимпиада, СССР» деган сўзлар ўйиб ёзилган. Айрим тахталарда эришилган энг яхши натижа учун ҳам махсус мукофотлар топширилди. Биринчи тахтада жаҳон чемпиони гроссмейстер Ботвинник, иккинчи тахтада Андерсон (Канада), учинчи тахтада Барца (Венгрия), тўртинчи тахтада Керес (СССР) махсус мукофот олдилар. Бундан ташқари, Кересга бу мусобақада абсолют равишда энг яхши натижага эришганлиги учун қўшимча мукофот ҳам топширилди. Ма'лумки, у мумкин бўлган 14 та очкодан 13,5 очкога эга бўлди, бу эса халқаро мусобақаларда биринчи ана шу хилдаги ажойиб натижадир. Бешинчи тахтада Фудерер (Югославия) ва олтинчи тахтада Вальтер (Швейцария) махсус мукофот олдилар.

Мусобақа халқаро шахмат олимпиадасининг қатнашчиларини Амстердам шаҳрининг бошлиғи табриклади. Сўнгра бирқанча командаларнинг капитанлари ва совет шахмат делегациясининг раҳбари Постников сўзладилар.

Олимпиаданинг ёпилиши самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Тошкент Давлат циркида

Тошкент Давлат цирки янги мавсум тамошаларини бошлаб юборди. Унинг программаси хилма-хиллиги ва ранг-баранглиги блан тамошабинга манзур бўлмоқда.

Тамоша «Москва қуёши остида» деган пролог блан бошланади. Бу пролог Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига бағишлангандир. Артистлар социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг қудратини, совет деҳқонларининг мўл хосил етиштириш йўлида эришаётган буюк муваффақиятларини ёркин ифода этиб беручи бу виставкани бадиий сўзларда, жанговар сатрларда маҳорат блан жиҳоя қилиб берадилар. Майдонда жонажон Москва шарафига, поёнсиз Ватанимиз, ижодкор халқимиз ва шонли Коммунистик партиямиз шарафига табрик сўзлари янграйди...

Цирк санъатининг усталари ўз маҳоратларини, куч-қувват ва эпчиллик намуналарини бирин-кетин намойиш қилабошлайдилар. Артист Нелиповичнинг қадди-қомати, бўртиб турган мускуллари кишини ҳайратда қолдиради. У, оғир тошларни назар-писанд қилмай чаққонлик блан уёқдан-буёққа улоқтиради, бирнеча пудли тошларни елкаси ва қўлларида бемалол кўтаради. Артист Почиталов ва Калашниковлар турли акробатика ўйинларини кўрсатадилар. Улар ҳам Нелипович сингари мураккаб ҳаракатларни усталик блан ижро этадилар. Шунингдек Белоусовларнинг биллиард ўйинлари завқли ва қизиқарлидир.

Тамошабин замонавий темада яратилган ва кишини беихтиёр кулдирадиган сатира ва юморларга ташна. Артист Володин ва Бистровлар яратган номер ана шу темада бўлиб, анча муваффақиятли чиққан. Улар оддий ва «кичик» бир темани танлаганлар: магазиндан консерва сотиб оладилар ва уни очмоқчи бўладилар, лекин банка очадиган асбобни ҳечқаердан топалмайдилар. Банкани очиш учун кўп уринадилар, аммо уни очалмайдилар. Ана шу кичкина воқиа жараёнида турмушда учраб турадиган, броқ тугатиш мумкин бўлган камчиликлар очиб берилган. Тамошабин уларнинг бу ўйинини завқ блан кўради.

РСФСРда хизмат кўрсатган артист Корниловнинг ўйинлари программада асосий ўринни олди. Тажрибакор ва ўз санъатининг устаси бу артист филлар ва туяларни турли ўйинлар ва ҳаракатларни ижро этишга моҳирлик блан ўргатган. Корнилов раҳбарлигида филлар музикага жўр бўлиб ўйнайдилар, музика чаладилар, бир оёқларида турадилар. Музика машқларига филларнинг ўзи «дирижёрлик» қиладилар. Майдонда «футбол» мусобақаси бўлади. Филлар бақувват оёқларини кўтариб коптокларни тепадилар. Улар узун хартумларда қизларни кўтариб, танцага тушадилар. Шунингдек туялар ҳам ўз устозининг барча «буйруқ»ларини бажарадилар.

Тамошабин ҳар галгидек бу гал ҳам машҳур қизиқчи Боровиковни ҳурмат ва завқ блан кутиб олади. Республикада хизмат кўрсатган бу артист бу йилги мавсумда ўзининг янги номерлари блан иштирок этмоқда. У турли-туман ва кишн завқ блан куладиган бирнеча ўйинлар яратган. Боровиков сифатсиз ва брак маҳсулот ишлабчиқараётган артеллар, бюрократ раҳбарлар, ўз болаларининг тарбиясига э'тиборсиз қараган оталар ҳақида, маиший темаларда ва кундалик ҳаётда учраб турадиган ба'зибир нуқсонлар тўғрисида оригинал ҳажвий сатиралар яратган. Боровиков халқаро темаларда ҳам янги номерлар ишлаган. Унинг бу хилма-хил ўйинлари кишида катта таассурот қолдиради.

Цирк программасида яна кўпгина қизиқарли номерлар бор. Артист Руссо ўзи ўргатган отлар блан турли хил ўйинлар кўрсатади. Шунингдек артист Курзимовларнинг сим дор устидаги ўйинлари, Пушкаренко раҳбарлигидаги акробат-сакровчиларнинг тез ва чаққонлик блан ҳаракат қилишлари, Махлиннинг конглёр ўйинлари, Шидловский раҳбарлигидаги артистларнинг нарвонлар устидаги ўйинлари, Яконларнинг музикали сатиралари, артист Усов ва Вязовларнинг ўйинлари ҳам анча муваффақиятли чиққан.

Тошкент Давлат циркининг янги мавсум тамошалари пойтахтимиз меҳнаткашларининг маданий ва завқли дам олишида, совет цирки санъатининг янгиликлари блан ва артистларнинг маҳорати блан таништиришда катта роль ўйнамоқда.

Суратда: РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Корнилов** ўзи ўргатган филл блан. Доирада артист **Вязовлар.**

В .Салов фотоси.

ҲИНДИСТОН МАДАНИЯТ ВА САН'АТ АРБОБЛАРИНИНГ ТОШКЕНТДА БЎЛИШИГА ДОИР

Ўзбекистон пойтахтига келган Ҳиндистон маданият ва санъат арбоблари делегацияси 28 сентябрьда Тошкент меҳнаткашларининг ҳаёти блан таништилар.

Меҳмонлар шаҳарнинг диққатга сазовор бўлган жойларини кўздан кечирдилар, ободончилик ишлари ва янги қурилишларга, маданий-оқартув муассасаларининг биналарига э'тибор бердилар. Делегация а'золари шаҳарни айланиб чиққан вақтда Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов ва Тошкент шаҳрининг бош архитектори М. С. Булатов уларга ҳамрох бўлдилар.

Ҳиндистон маданият ва санъат арбоблари кундузи Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейини бориб кўрдилар. Улар бу ерда ўзбек халқининг қадимги санъат асарлари ва Ўзбекистон Совет рассомларининг ижоди блан таништдилар, музейда очилган ҳинд санъати виставкасини кўрдилар.

Ҳиндистонли меҳмонлар Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат халқ кутубхонасида ҳам бўлиб, бу ерда қадимги шарқ қўлёзмалари блан ва кутубхона ишининг ташкил қилиниши блан таништилар.

Делегация а'золари ҳамма жойда хурсандчилик блан самимий кутиб олиндилар. Тошкент меҳнаткашлари эрксевар ҳинд халқининг вакилларини самимий табрикладилар. Ҳинд халқи вакилларининг Совет Иттифоқига келиши бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади. (ЎзТАГ).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/IX да **Шоҳи сўзана**, 30/IX да **Гамлет**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/IX да **Нурхон**, 30/IX да **Фарҳод ва Ширин**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 29/IX да **Ўзбекистон давлат филармонияси ўзбек ашула ва рақс ансамблининг концерти.** Бадиий раҳбар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Дони Зокиров**, музика раҳбари — **Ҳамид Раҳимов**, хормейстер — **Мирса'ди Умаров**, балетмейстерлар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Е. Барановский, Л. Петросова.** Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — янги ҳинд бадиий фильми **Дайди** (1-нчи серия).

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — эрталаб соат 10 ва кеч 10 да 6-нчи дарвоза.

НАВОИЙ номли, кундуз соат 4-30 минутда: 1) **Биринчи баҳор**, 2) **Пойтахт қурилишларида.**

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли, КИРОВ номли — **Дайди** (1-нчи серия).

«9-НЧИ МАЙ» — **Ўнучлар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
29 сентябрьда
КАТТА ЦИРК ТАМОШАЛАРИ
Аттракцион —
«Ўргатилган ҳинд филлари».
Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р 07547. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1477.